



## БУЮК АЛЛОМАЛАРИМИЗ ЭЪЗОЗ ТОПГАН УЛУҒВОР САМАРҚАНДА ХАЛҚАРО АНЖУМАНЛАРГА ҚИЗҒИН ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИЛМОҚДА

**Президент Шавкат Мирзиёев 22 март куни Самарқандга ташриф буюриб, ҳудудда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари ва келгусидаги режалар билан танишди.**

Давлатимиз раҳбари дастлаб Имом Бухорий мажмуасини зиёрат қилди. Қуръон тиловат этилиб, дуо ўқилди.

— Куни кеча халқимиз билан Наврўз айёмини кутиб олдик. Бугун, муқаддас Рамазон ойида мана шу табаррук жойга келиб турибмиз. Бу улуг кунларга тинчлик-хотиржамликда етказгани учун Яратганга шукроналар айтаемиз. Илоҳим, ҳамиша юртимиз тинч, элимиз фаровон бўлсин, ҳамма хайрли ниятларимиз амалга ошсин. Бу мажмуани Имом Бухорий бобомизга муносиб тарзда қурагимиз. У зиёрат билан бирга маърифат, тарбия, ибрат ўчоғи бўлсин, — деди Шавкат Мирзиёев.

Имом Бухорий мақбараси бутун ислом оламида эъзозли макан. Кўп минг сонли зиёратчиларга шароитларни кенгайтириш мақсадида Президентимиз ташаббуси билан бу ерда янги мажмуа барпо этилмоқда.

Мажмуанинг умумий майдони 44 гектар. Бугунги кунда маҳобатли мақбара, 10 минг кишига мўлжалланган масжид қуриб битказилган. Баланглиги 75 метрлик 4 та минора мажмуага

улугворлик бағишлаган. Шунингдек, музей, айвонлар, маъмурият ва хизмат кўрсатиш бинолари барпо этилган.

Айни пайтда пардозлаш ишлари олиб борилмоқда. Бунда миллий анъаналар ва иссиқ ранглардан фойдаланилмоқда. Пештоқлар ва айвон деворларига “Саҳиҳи Бухорий”дан ҳадислар битилади. Бундан ташқари, ҳудудда икки минг ўринли йигирмадан ортиқ меҳмонхона, хибонлар, хизмат кўрсатиш шохобчалари барпо этилади.

Бу йил юртимизда Имом Мотуридий таваллудининг 1155 йиллиги кенг нишонланади. Шу ҳақдаги Президент қароридан калом илми султониининг Самарқанд шаҳридаги мажмуасини қайта таъмирлаш ва ободонлаштириш белгиланган.

Ташриф чоғида Президентимизга ушбу лойиҳа тақдимот қилинди.

Қайд этилганидек, Мотуридий мажмуасида 1 минг 500 кишига мўлжалланган жоме масжид, маъмурий бино қурилиши кўзда тутилган. У ерда кутубхона, мажлислар зали, инновацион музей ҳамда мутахассислар учун

хоналар бўлади. Мажмуа яқинида автотураргоҳ ташкил этилади, зиёратчилар учун қўшимча қулайликлар яратилади.

Имом Абу Мансур Мотуридий ислом оламида ихтилофлар авж олиб, ҳар хил фирқалар кўпайган пайтда яшаган, бутун ҳаётини исломий ақида дани ҳимоя қилиш ва маърифатини ёйишига бағишлаган. У зотининг мотуридийлик таълимоти, “Таъвилотул Қуръон”, “Китоб ат-Тавҳид” каби асарлари бағрикенглик ва мўътадиллик тамойиллари билан аҳли сунна вал-жамоанинг маънавий асосларига айланган.

Давлатимиз раҳбари бу тамойиллар бугунги кунда ҳам долзарб бўлиб бораётганини таъкидлаб, аллома бобомизнинг меросини янада кенг ўрганиш ва жаҳонга тарғиб этиш, мажмуага келувчиларга шароитларни кенгайтириш бўйича кўрсатмалар берди.

Яна бир хайрли лойиҳа — Оқдара туманидаги Маҳдуми Аъзам қадимжонини обод қилишга қаратилган. Асли ҳозирги Косонсой туманида туғилган сўфий олим нақшбандия таълимоти раҳнамоларидан бири бўлган.

Илм ва дин йўлидаги узоқ сафардан сўнг, Самарқандда абадий кўним топган.

Бу масканга келувчи зиёратчилар ҳам кўп. Уларга шароитларни яхшилаш мақсадида мажмуа ҳудудидан қурилиш-ободонлаштириш ишлари амалга оширилади, бугунги кун талабларига мос қўшимча қулайликлар яратилади.

Тақдимот чоғида Самарқанд заминдан етишиб чиққан бошқа олим ва мутафаккирлар, азиз авлиёларнинг қадимжолари ҳам бошқичма-бошқич таъмирланиб, обод қилиниши айтилди.

Сўнгги йилларда энг замонавий стандартларга мос инфратузилма яратилгани туфайли Самарқанд шаҳри халқаро миқёсдаги йирик тадбирлар — олий ва юқори даражадаги саммитлар, конференция ва конгрессларнинг анъанавий мезбонига айланди.

2022 йилда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан “Буюк ипак йўли” мажмуаси бунёд этилгани бу борадаги ишларни янги бошқича олиб чиқиб, Самарқанднинг халқаро марказ сифатидаги салоҳиятини янада оширди.

Шавкат Мирзиёев ушбу Халқаро туризм марказига ташриф буюриб, олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари, яратилаётган шароитлар билан танишди. Мажмуада хоржий делегациялар ва сайёҳларга хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, қулайликларни кенгайтиришга қаратилган муайян ишлар олиб борилмоқда, қатор янги объектлар қурилмоқда.

Жумладан, марказ ҳудудидан умумий майдони 1150 квадрат метр бўлган йирик концерт зали барпо этилмоқда. 100 кишини қабул қила оладиган маданият маскани замонавий акустика ускуналари билан жиҳозланмоқда.

Президентимиз хоржий делегациялар, икки томонлама учрашувлар учун қулайликларни ошириш бўйича тавсиялар берди.

Шу ернинг ўзида Самарқанд вилояти ҳокими ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши юзасидан давлатимиз раҳбарига ҳисобот берди.

Таъкидлаш жой, жорий йилда Самарқандда йирик халқаро анжуманлар бўлиб ўтади. Бугунги кунда

“Марказий Осиё — Европа Иттифоқи” биринчи саммити ва Иқлим форуми, “Марказий Осиё — Кўрфаз араб давлатлари” саммити, ЮНЕСКО Бош конференциясининг 43-сессиясини ўтказишга қизгин тайёргарлик кўрилмоқда.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Самарқанд шаҳрига ташриф яқинида Ҳазрати Ҳизр мажмуасида бўлиб, Биринчи Президентимиз Имом Каримов мақбарасини зиёрат қилди.

Қуръон оятлари тиловат этилиб, дуо ўқилди.

Марҳумларнинг яхшиликларини эслаш, қабристонларни ободонлаштириш халқимизнинг эзгу қадриятларидан. Ушбу мақбара ҳам Президентимиз бошчилигида қурдирилган, азиз зиёратгоҳга айлантирилган. Муборак Рамазон ойида бундай эзгу амаллар барча жойларда ёрқин намоён бўлмоқда.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,  
Ғолиб ҲАСАНОВ,  
Ўза мухбирлари**

## ЭКОЛОГИЯ ВА ҲУҚУҚ УШБУ ЙЎНАЛИШДАГИ МАСАЛАЛАР ҲАР ҚАЧОНГИДАН-ДА ДОЛЗАРБ

Экологик инқирозлар бугун глобал миқёсда ҳал қилиниши керак бўлган муаммолардан бирига айланди. Ўзбекистон учун ҳам атроф-муҳитни муҳофаза қилиш долзарб масала бўлиб қолмоқда. Мутахассислар фикрича, ҳар дақиқада мамлакатимиз ҳудудининг 9 квадрат метри чўлга айланиб борапти. БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО) маълумотига қўра, мамлакатимизда сувдан йиллик фойдаланиш кўрсаткичи 169 фоизни ташкил этади. Бу эса келажақда сув танқислиги билан боғлиқ муаммолар юзага келишидан далолат беради.

Экологик муаммоларни тизимли ҳал этиш муҳимлигини инобатга олиб, Президентимиз ташаббуси билан 2025 йилга “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил иқтисодиёт” йили”, деб ном берилди. Зеро, мамлакат учун асосий вазифа экологик мўътадилликни таъминлашдир. Ушбу мақсадни амалга ошириш учун эса жамиятдан чора-тадбирлар режасини қабул қилиш талаб этилади. Улар орасида ҳуқуқий сиёсат стратегик аҳамиятга эга. Чунки барча ваколатли орган фаолиятида кўзланган мақсадларга эришиш ҳуқуқий сиёсатнинг сифатли ва пухта ўйланганига боғлиқ. “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил иқтисодиёт” йилида амалга оширишга оид давлат дастури таҳлили атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳуқуқий сиёсатни амалга



оширишининг қатор муҳим йўналишларини ажратиб кўрсатиш имконини беради.

Аввало, ҳуқуқий сиёсатнинг асосий вазифаси экология соҳасида янги конституциявий қафолларни бошқичма-бошқича амалга оширишдан иборат. Референдумда умумхалқ овоз бериш йўли билан қабул қилинган

янги таҳрирдаги Конституцияимизда илк бор экологик ҳуқуқлар мустақамланди. Давлат дастури таҳлилига қўра, мазкур ҳужжатнинг мақсадлари конституциявий қафолларни амалга оширишга қаратилган.

► **Давоми 3-бетда**

## ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИ

### АНИҚЛАНГАН МУАММОЛАР САМАРАЛИ ҲАЛ ЭТИЛМОҚДА

Бугун хизмат кўрсатиш соҳаси дунё иқтисодиётининг муҳим таркибий қисмидир. Жаҳон ялпи ички маҳсулотига хизмат кўрсатиш соҳасининг улуши ўртача 61 фоизни ташкил этаётгани бунинг тасдиғи.

Мамлакатимизда ҳам бу тармоқда катта имкониятлар бор. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан уч йил олдин қабул қилинган дастур бунинг амалда исботлади. Жумладан, 3 йилда сервис соҳасида 1,5 миллион киши доимий даромадга эга бўлди. Хизмат кўрсатиш қиймати 65 миллиард долларга ошди. Айниқса, ахборот технологиялари, молиявий хизматлар, туризм, авиация, таълим ва тиббиёт соҳаларида катта ютуқлар қўлга киритилди.

Сўнгги саккиз йилда аҳоли даромади ва тўлов қобилияти 2 қарра ўсгани натижада хизматларга талаб ортапти. Бунинг учун мутасадди ташкилотлар хизмат турларини кўпайтириш бўйича ҳар қуни изланиши, тадбиркорларга йўл очилиш кераклиги яна бир бор ўз тасдиғини топмоқда.

“Ўзбекистон — 2030” стратегиясида ҳудудларда хизматлар соҳасини жадал ривожлантириш борасида қатор вазифалар белгилангани ҳам бежиз эмас.

Хусусан, жойларда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш орқали хизмат кўрсатиш ҳажмининг 3 баробар ошириш,

ўрта ва йирик шаҳарлар ҳамда аҳолиси 300 мингдан кўп бўлган туманларда замонавий бозор хизматлари, ахборот технологиялари, таълим, тиббиёт, юридик, санъат, туризм, меҳмонхона ва умумий овқатланиш ҳамда транспорт хизматларини ривожлантириш кўзда тутилган. Шунингдек, хизмат кўрсатишга ихтисослашган марказий кўчаларни ташкил этиш орқали 36 мингта савдо ва сервис объектини очилиш, халқаро автомобиль йўллари бўйида 6 мингта савдо ва сервис объектини қуриш режалаштирилган. Бу борада етакчи лойиҳа ташкилотларини жалб қилиб, бозорларни замонавий, қўлай, барча ҳавфсизлик талабига жавоб берадиган савдо комплексларига айлантириш айланиш мақсадларга хизмат қилади.

Жорий йил 7 февраль куни Президентимиз раислигида ҳудудларда хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида масъуллар олдида мавжуд имкониятларни ишга солиш, кенг қамровли чора-тадбирларни ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

► **Давоми 4-бетда**

## НИҲОЛЛАР ДАРАХТГА, КИЧИК БИЗНЕСЛАР БРЕНДГА АЙЛАНАДИ

Эрта баҳорда ниш отган уруғ ёки ўтказилган ниҳол аввалига жуда нафис ва нимжон бўлади. Агар у яхши парваришланса, ғамхўрлик қилинса, кун келиб, серҳосил экин, басавлат дарахтга айланади ва мўл ҳосил беради. Акс ҳолда, қуриб-қақшаб, нобуд бўлиши ҳеч гап эмас.

Тадбиркорликнинг кичик ва ўрта бизнес соҳаси ҳам худди шундай. Агар энди иш бошлаётган тадбиркорга давлат томонидан керакли шарт-шароит яратилиб, турли имтиёзлар билан қўллаб-қувватланса, катта компания, брендга айланганда давлат ва жамият тараққиётига салмоқли ҳисса қўшади. Шу боис, охириги йилларда Ўзбекистонда бундай ишбилармонлар фаолиятини кенгайтириши учун қўлай шароит яратиш бўйича тизимли ишлар қилинмоқда. Бунинг шундай 19 март куни Президентимизнинг кичик ва ўрта бизнес

вакиллари билан учрашувида айтилган фикрлар ҳам тасдиқлайди. Бу учрашувнинг кўкларда, Наврўз байрами арафасида бўлганда чуқур маъно бордек, назаримда. Сабаби ниҳоллар сингари тадбиркорликда энди ўз салоҳиятини кўрсата бошлаган кичик ва ўрта бизнес соҳаси вакиллари учрашувдан катта куч ва руҳ олди. Президентимиз илгари сурган ташаббуслар, келгусида улар учун жорий этиладиган янги имтиёз ва имкониятлар ҳақидаги сўзлари байрам совғасидек манзур бўлди.

► **Давоми 2-бетда**



КОРРУПЦИЯ — ЖАМИЯТ ТАНАСИДАГИ САРАТОН

ИНСОН БЎЛИБ ЯШАШНИНГ НАРХИ ҚАНЧА?



Тонги шиддат билан ҳаракатланаётган шаҳар кўчаларида ҳаёт ўзига хос шовкин-сурон билан давом этмоқда. Таксилар шовиб ҳаракат қилади, одамлар ишга отланади, бозорларда савдо қизийди. Аммо буларнинг орасида кўзга у қадр ташланмайдиган, бироқ жамиятни ичдан емириб борувчи бир иллат бор — коррупция.



Шухрат СИРОЖИДДИНОВ, академик

Кечагина йўл четида бир гуруҳ ёшларнинг суҳбатига беҳос қўлоқ мусофири бўлиб қолдим. Улар кимнидир кутиб туришар, турли мавзуларда ўзаро баҳслашар эди. Гапдан гап чиқиб, улардан бири бундай деди: — Йўл четида машина кўйсанг, энди ИПХ эмас, ИПХ келиб жарима ёздиган бўлди. Бу ҳам, бир томондан, тўғри, тартиб учун керак. Лекин иккинчи томондан, баъзи ҳолларда одамда “Муаммони осон ҳал қилиш учун кўшимча йўл борми?” деган фикр пайдо бўлади. Иккинчиси бу фикрни кўллаб-қувватлаб қўйди: — Ҳар нарсада электрон тизим жорий қилинди, иш битириш осонлашди, лекин барибир баъзи одамлар эски оdatларини ташлай олмаяпти. Масалан, ўтган ҳафта боламини боғчага жойлаштирдим, барчаси расмий тарзда бажарилиди, ҳеч қандай муаммо бўлмади. Лекин навбатда турган баъзи ота-оналар ҳали ҳам “тезроқ ҳал бўлишини” истаб, кимнидир қидираётганини кўрдим.

Улар суҳбатлашар экан, ўйга толдим. Ҳақиқатан, сўнгги йилларда давлат хизмати кўрсатиш тизимида жуда катта ўзгаришлар бўлди. Олдин бирор ҳужжат олиш учун кунлаб сарсон бўлиб, эшикма-эшик югуриш керак бўлса, бугун интернет орқали мурожаат қилиш ва жойидан турмай натижа олиш мумкин. Шу билан бирга, одамларнинг ўзлари ҳам янгича иш услубига тўлиқ кўника олмаяпти.

Кўп ҳолларда маънавий коррупция аини шу оdatлардан келиб чиқади. Илгари қандайдир масалани ҳал этиш учун “тезлаштириш йўллари”ни қидириб ўрганиб қолган одам ҳозир ҳам шундай йўл тутишга мойил бўлиб қолади. Ваҳоланки, бугун барча масалаларни расмий ва қонуний тарзда ҳал қилиш мумкин. Бу борадаги энг катта вазифа эса нафақат давлат тизимида, балки жамиятнинг ўзига ҳам боғлиқ.

Шунинг учун ҳам бугунги ислохотлар нафақат қонунчиликни такомиллаштириш, балки одамлар онгини ўзгариштиришга ҳам қаратилган. Ҳақиқий ўзгаришга эришиш учун эскича таниш-билишчилик тушунчасидан бутунлай воз кечиш керак. Фақат шундагина ҳақиқий адолат ва шаффофликка эришиш мумкин. Чунки давлат томонидан жамиятни коррупциядан тозалаш бўйича қатъий чоралар кўрилмақда.

Порахўрлик — миллат келажagini гаровга қўйиш

Агар бир дарахтнинг илдизи чириса, у қанчалик сервиқор бўлмасин, илк бўрондаёқ йиқилиши муқаррар. Мамлакат тараққиётига раҳна солаётган энг жиддий муаммолардан бири — коррупция ҳам худди шу каби жамият тараққиётини секин, аммо қаттиқ издан чиқаради.

Рақамлар ҳам буни тасдиқлайди: — Ҳар йили дунё иқтисодиёти коррупция сабаб 3 триллион доллар зарар кўради. — БМТ маълумотларига кўра, коррупция туфайли ҳар йили 1 триллион доллар пора сифатида айлантирилади.

— Коррупция авж олган давлатларда ҳаёт сифати пасаёиб, таълим ва тиббиёт тизими инкирозга юз тутатади.

Коррупция нафақат давлат ресурсларини йўқотади, балки жамиятда ишонсизлик муҳитини шакллантиради. У одамларни шахсий ташаббус ва меҳнатга эмас, таниш-билишга таянишга мажбур қилади. Бизнес учун сунъий тўсиқлар яратаяди, чет эллик инвесторларни қўрқатади ва иқтисодий ривожланиш суръатини секинлаштиради.

Бироқ сўнгги йилларда мамлакатимизда коррупцияга қарши туб ислохотлар асосида курашилмоқда. Энг муҳими, бу кураш фақат қонуний рақобат билан чекланиб қолмади, балки коррупциянинг келиб чиқиш сабабларини бартараф этиш, жамиятда шаффоф

муҳитни шакллантиришга қаратилган. Илгари одамлар ҳужжатларни расмийлаштириш учун ойлаб турли идораларга қатнашиб, таниш-билиш қидириши, ортиқча қоғозбозлик билан овоза бўлишига тўғри келарди. Ҳозир эса барча асосий давлат хизматлари электрон шаклга ўтказилди, ҳужжатларни йиғиш ва расмийлаштириш жараёнлари автоматлаштирилди.

Масалан, бугун кадастр ҳужжатларини расмийлаштириш онлайн тарзда амалга оширилади, бу эса ер ажратилишига оид орқали иш битириш амалиётини қисқартирди. Давлат харидлари шаффофлашди, ҳар қандай тендер жараёни онлайн кузатиб борилади. Натижада 2020 йилдан бунён 3,6 триллион сўм бюджет маблағи тежалди. Суд тизимида рақамлаштириш коррупция хавфини камайтирди — ҳужжатларни сунъий кечиктириш, “молиявий рағбатлантириш” орқали иш юритиш имконияти чекланди.

Бундан ташқари, таълим тизимида ҳам катта ўзгаришлар амалга оширилди. Илгари олий таълимга ўқишга киришда пора бериш ёки таниш топиш каби салбий ҳолатлар кўп учрар эди. Ҳозир эса тест синовлари шаффоф ўтказилмоқда, онлайн кузатув механизми жорий этилди. Натижада фақат билими бор талабалар ўқишга қабул қилиниши таъминланди.

Шу каби тизимли ислохотлар туфайли жамиятда адолат ва шаффофликка интилиш кучаймоқда. Бироқ энг катта вазифа одамларнинг ўзига боғлиқ; коррупциядан халос бўлиш учун нафақат давлат механизмлари, балки ҳар бир инсон онгининг ўзгариши муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун бугунги кураш коррупцияга қарши жазолаш эмас, балки унинг сабабларини йўқ қилишга қаратилган. Жамиятда адолат тамойиллари устувор бўлгандагина давлат ҳақиқий ривожланиш йўлига чиқади.

Шахсий масъулият

2025 йил 5 март куни Президентимиз ранглигида Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгашининг коррупциянинг олдинчи олиш бўйича ишлар натижадорлиги ва

келгусидаги устувор вазибаларга бағишланган кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Бу йиғилиш мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш борасидаги кенг кўламли ислохотлар, уларнинг жамият тараққиётига таъсири ва келгусидаги устувор вазибаларни белгилаб олиш нуктага назаридан ғоят муҳим аҳамият касб этди.

Президентимиз ўз нутқида мамлакатдаги ислохотлар ҳал қилувчи босқичга киргани, шу сабабли коррупцияга қарши курашиш нафақат давлат сиёсатининг устувор йўналиши, балки ҳар бир фуқаро учун ҳаётий аҳамиятга эга масала бўлиши кераклигини таъкидлади. “Тақрор ва тақрор айтмаймиз: биз очиқлик сиёсатини, сўз эркинлиги ғояларини ҳаётга татбиқ этишда ҳамisha қатъий бўламиз!” деган сўзлар бу борада давлатнинг аниқ позицияси ифодаси бўлди.

Йиғилишда сўнгги йилларда коррупцияга қарши курашда эришилган натижалар таҳлил қилиниб, қатор муҳим масалалар муҳокама қилинди. Аввало, давлат бошқаруви ва жамиятда шаффоф муҳитни шакллантириш, давлат хизматларини рақамлаштириш, бюджет маблағларидан фойдаланишда очиқликни таъминлаш йўлидаги ислохотлар ҳақида сўз борди. Йиғилишда ёшлар орасида коррупцияга тоқатсизлик маданиятини шакллантириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Президент ёш авлод онгида ҳалоллик, адолат ва шаффофликни тарғиб қилиш муҳимлигини таъкидлади. Шу мақсадда коррупцияга қарши курашиш бўйича таълим муассасаларида махсус дастурлар жорий этилиши, талабалар ва ўқувчилар орасида коррупцияга қарши лойиҳалар ва ташаббусларни кўллаб-қувватлаш тизими йўлга қўйилиши белгиланди.

Кўтарилган энг муҳим масалалардан бири жамиятнинг ўзи коррупцияга мурокасиз бўлиши зарурлиги ҳақида бўлди. Президентимиз таъкидлаганидек, агар одамлар коррупцияни оддий ҳолат сифатида қабул қилишда давом этса, унга қарши ҳар қанча қонун ва жазо чоралари ишлаб чиқилмасин, барибир кутилган натижага эришиб

бўлмайди. Шунинг учун бу иллатга қарши курашиш фақат ҳуқуқ-тартибот идораларининг вазифаси эмас, балки бутун жамиятнинг бурчи экани қайд этилди.

Йиғилиш давомида эришилган натижалар ва кўрсаткичлар таҳлил қилинди. Очиқлик бўйича халқаро рейтингларда Ўзбекистон 138 поғонага кўтарилиб, дунёда 30-ўринга чиқди. Суд-ҳуқуқ тизимида шаффофлик ошгани сабабли одил судловга ишонч кучайди, маҳаллий ҳокимият идораларида эса бюрократик тўсиқлар сезиларли даражада камайди. Рақамлаштириш орқали фуқароларга давлат хизматлари кўрсатишда инсон омилли қисқаргани эса коррупция хавфини пасаитиришда катта аҳамият касб этмоқда.

Ҳақиқий ғалабага қандай эришилади?

Коррупцияга қарши курашиш нафақат давлат сиёсатининг бир қисми, балки жамиятнинг ўз келажagini қандай тасаввур қилишига боғлиқ улкан синовдир. Бу иллатга қарши кураш қандайдир компания ёки вақтинчалик чоралар мажмуаси эмас, балки тинимсиз ва изчил, узок муддатли жараён-дир.

Йиғилиш якунида Президент айнан шу нуктага ургу бериб, коррупцияга қарши курашда фақат давлат эмас, балки бутун жамият, ҳар бир фуқаро фаол иштирок этиши лозимлигини таъкидлади. Коррупцияга қарши кураш ҳеч қачон аниқ мuddат билан чекланмаслиги, бу бутун жамиятнинг иши эканига ургу берилди. Бу нафақат давлат идоралари ҳодимлари, балки ҳар бир инсоннинг онгида жавобгарликни уйғотиши лозим бўлган давлатдир.

Коррупция устидан ҳақиқий ғалабага эришиш учун, энг аввало, илдинини куритиш зарур. Қонуний ва жазо чоралари коррупционерларни жазолашга хизмат қилади, аммо унинг келиб чиқиш сабабларини йўқ қилиш учун жамиятда мутлақо янги

маданият шаклланиши керак. Бу ҳалоллик, шаффофлик ва масъулият ҳисси устувор бўлган маданиятдир. Ҳар бир инсон ўз ҳақ-ҳуқуқини яхши билиши, ҳар бир амалдор ҳалол бўлиши, ўз ишини виждонан бажариши, қонунийларга ҳурмат билан муносабат қилиши лозим.

Порахўрликка мурокасизлик оилалардан бошланиши керак. Болаларга ҳали мактаб ёшидаёқ ҳалоллик нима эканини ўргатиш, уларнинг онгида адолатли жамиятда яшаш ҳиссини шакллантириш зарур. Агар ота-она фарзандига “ишни битиришинг осон йўли”ни эмас, балки ҳалол меҳнат орқали эришилаётган муваффақият йўлини кўрсатса, келажакда нуртинмизда коррупцияга ўрин қолмайди.

Ҳалол меҳнат ва тинимсиз саъй-ҳаракатлар билангина ҳақиқий тараққиётга эришиш мумкин. Коррупция бўлган жамиятда қонуний ҳам, тенг имкониятлар ҳам фақат қоғозда қолади. Шундай экан, ушбу иллатга қарши курашиш нафақат давлат раҳбарлари, қонунчилик ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг, балки ҳар бир фуқаронинг бурчидир.

Бу йўлда энг катта масъулият зиёлилар, ўқитувчилар, оммавий ахборот воситалари ҳодимлари ва фаол фуқаролар зиммасига тушади. Жамиятда адолат ва ҳалоллик меъёрига айланиши учун бу тушунчалар ҳар бир муҳокама, ҳар бир маъруза, ҳар бир суҳбатда акс этиши лозим.

Бугунги ислохотлар айнан шу мақсадга қаратилган. Коррупциясиз келажакни яратиш учун ҳар биримизнинг шаклланишига йўл қўймаслигимиз, ўз ҳаётимизда ҳалоллик ва виждонлиликни биринчи ўринга чиқаришимиз лозим. Шунинг учун ҳам коррупцияга қарши курашиш фақат давлатнинг эмас, балки ҳар бир фуқаронинг қўлидадир. Барчамиз қонун устуворлиги, тенглик ва адолат принциплари учун масъул эканимизни англаसाқ, шундангина ҳақиқий тоза жамият ва ёруғ келажакни барпо эта оламиз.



Бошланиши 1-бетда

НИҶОЛЛАР ДАРАХТГА, КИЧИК БИЗНЕСЛАР БРЕНДГА АЙЛАНАДИ



ЛОЙИҲАМ “ЧЕМПИОН” БЎЛАДИ


Шаҳзод УМРЗОҚОВ, Тошкент шаҳридаги “TASS VISION” компанияси раҳбари:

— Президентимиз дунёда сунъий интеллект, инновация, рақамли ва “яшил” технологиялар, креатив хизматлар орқали “катта сакраш” бўлаётганини таъкидлади. XXI аср сунъий интеллект асри бўлиб бормоқда. Аини шу йўналишда фақат Ўзбекистонда эмас, МДҲ, Туркия, Молдова, БААда фаолият юритаётган компания раҳбари сифатида бунга гувоҳ бўлялман. Сунъий интеллект асосида яратган алгоритмизни чакана савдо муассасалари даромади ортишига кўмак беради.

Ушбу алгоритмга асосланган “ақли” камерамизни тадбиркорлар ўз дўконларига ўрнатса, ускуна сунъий интеллект ёрдамида у ерга қанча истеъмолчи кирди, қайси маҳсулотга кўпроқ эътибор берди ёки маҳсулотнинг қанчаси сотилганини тўғрисида керакли маркетинг таҳлилини амалга оширади. Бу билан дўкон эгаси ўз истеъмолчиларининг ёш тоифаси, қайси маҳсулотга талаб юқори эканини аниқлаб олиши ва буни савдосини оширишда қўллаши мумкин. Аини пайтда ускунамиздан юқорида саналган давлатлардан 1700 та дўкон фойдаланиб келади.

Давлатимиз раҳбари билан учрашувда фаолиятимиз ҳақида сўзлаб бердим. Президентимиз янги лойиҳаларим билан жонажон ватанимиз келажакига катта ҳисса қўшишимга ишонч билдирди.

Билдирилган ишонч мени олға интилишга руҳлантирди ҳамда Президентимиз таърифи билан айтганда, бизнесимни тез суръатда кенгайтириб, “чемпион” лойиҳага айлантиришни мақсад қилдим. Аслида, компаниямиз баҳоси тез суръатда кўтарилиб бормоқда. Утган йили халқаро ташкилотлар унинг қийматини 7 миллион доллар қилиб кўрсатган. Кейинги уч йилда компания қийматини 50 миллион долларга, ускунамиздан фойдаланаётган савдо муассасалари сонини 1700 тадан 50 мингга кўпайтиришни мақсад қилганман.



“Давлатимиз раҳбари билан учрашувда фаолиятимиз ҳақида сўзлаб бердим. Президентимиз янги лойиҳаларим билан жонажон ватанимиз келажакига катта ҳисса қўшишимга ишонч билдирди.



ЯНГИ ИМТИЁЗЛИ КРЕДИТДАН ФОЙДАЛАНИБ, 100 КИШИНИ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАМОҚЧИМАН

Ноилахон ЭШОНХЎЖАЕВА, Хўжаобод туманидаги яқка тартибдаги тадбиркор:

— 2022 йилда яратиб берилаётган шароитлар, айниқса, ишбилармон аёллар мунтазам кўллаб-қувватланаётганини эшитиб, тадбиркорлик билан шугулланишни мақсад қилдим. Тижорат банкдан 35 миллион сўм имтиёзли кредит олиб, пайпоқ ишлаб чиқарувчи битта дастоҳ билан иш бошладим.

Аввалгилар уй-рўзгор, бола-чақадан ортиб пайпоқ ишлаб чиқаришни ҳам эплай олишимга кўзим етмаганди. Катта фойда қилмасам ҳам бўлади, деб таваккалга иш бошлаган эдим. Аммо имтиёзли кредит ҳамда тадбиркорларга яратиб берилган имкониятлардан оқилона фойдаланиб, 2024 йилда,

яъни атиги икки йилда битта дастоҳимни 6 тага етказдим. Фаолиятим кенгайди.

Маҳсулотим фақат маҳаллий эмас, хорижий бозорларда ҳам сотилмоқда. Ўзимга ишончим ортиб, бизнес лойиҳамни янада кенгайтириш борасидаги янги лойиҳалар тўғрисида бош қотира бошладим.

Давлатимиз раҳбарининг кичик ва ўрта бизнес вакиллари билан учрашувда биз, ишбилармонларга берилаётган янгидан янги имконият ва имтиёзлар ҳақида эшитиб, шижоатимизга шижоат қўшилди. Айниқса, Президентимиз аёл тадбиркорларга кредит ставкаси бошқаларникига нисбатан 2 фозиз арзон бўлишини айтганда, мана, бизнесимни кенгайтиришим учун катта имконият, дея ич-ичимдан хурсанд бўлдим. Давлатимиз раҳбарига фаолиятим

ҳақида сўзлаб берар эканман, келгусида худди мана шу имтиёздан оқилона фойдаланиб, 100 кишининг бандлигини таъминлашга ваъда бердим.

Президентимизнинг учрашувдаги ҳар бир сўзи мени янги марраларга ундади. Айниқса, уй-рўзгор ва фарзанд тарбиясидан ортиб, тадбиркорлик билан одамларни ишла, даромадди қилаётган аёлларимизга ҳар қанча раҳмат айтсақ арзийди, деган сўзлари биз — аёлларнинг кичик меҳнатимизга юксак баҳо сифатида юрагимга муҳланди. Президентимизнинг қанчалик теран аниқлига қўйил қолдим. Учрашувда улкан таассуротлар, янги ғоя ва фикрлар олиб, энг шимариб, ўз ишимни давом эттиришга, улкан марраларни забт этишга киришдим.

ЭНГ МУҲИМИ — ЯХШИ БИЗНЕС ҒОЯ, МАБЛАҒ ВА ЖОЙ

Мустафо МИНГЪОЕВ, Тошкент шаҳридаги “MINGBOYEV ROBOTICS” корхонаси раҳбари:

— Корхонамиз юқори технологик бионик протез (қўл, оёқ), экзоскелет ишлаб чиқаради. Бионик протезнинг оддийсидан фарқи — вазифа бажаради. Бемор қундалик иш фаолиятини амалга ошира олади. Бу маҳсулот мамлакатимизда, хусусан, Марказий Осиёда фақат бизнинг корхонада ишлаб чиқарилади. Ногиронлиги бор одамларга хизмат кўрсатганимиз учун ўзига хос қўлайликларга эга бинога эҳтиёжимиз бор эди.

Учрашувда маблағи йўқ инсонга имтиёзли кредитлар берилиши, тадбиркорлик қилиш учун бинога эҳтиёжи борлар жой билан таъминланиши, ҳатто давлат томонидан ташкил этиладиган лойиҳа офислари одамларга яхши бизнес лойиҳа тузишга кўмакла-

маҳсулот яратадиган тадбиркорларга 10 минг квадрат метргача бўлган давлат объектлари 5 йилга бепул ижарага бериладиган бўлди. Шунингдек, энди тадбиркорларнинг қизқитириётган ер-жой, бинолар, биринчи навбатда, аукционда сотувга чиқарилиши белгиланди. Бу эса келгусида биз каби тадбиркорлар бундай муаммога дуч келмаслигига замин яратаяди.

Тадбиркорга иш бошлаш учун яхши бир бизнес ғоя, маблағ ва жой керак. Президентимиз учрашувда шундай тизим ва ташаббусларни илгари сурдики, ишбилармонларда бундай эҳтиёжлар пайдо бўлмайди.

Учрашувда маблағи йўқ инсонга имтиёзли кредитлар берилиши, тадбиркорлик қилиш учун бинога эҳтиёжи борлар жой билан таъминланиши, ҳатто давлат томонидан ташкил этиладиган лойиҳа офислари одамларга яхши бизнес лойиҳа тузишга кўмакла-

шиши айтилди. Бир сўз билан айтганда, энди тадбиркорлик қилмоқчи бўлган инсонга кучли хоҳиш ва ғайрат-шижоатнинг ўзи кифоя бўлади.

Давлатимиз раҳбарига корхонамизни марказга айлантириш, унда соҳамиз бўйича кадрлар тайёрлаш хизматини, шунингдек, ишлаб чиқариётган маҳсулотларимизни янада кўпайтириш, хусусан, симуляцион манекен тайёрлашни йўлга қўймоқчи эканимизни билдирдим. Шу кунгача кўнгли ярим 100 га яқин юртдошимизга бахт улашган бўлса, келгусида бу сонни каррасига оширишимизни айтдим. Давлатимиз раҳбари барча тақлиф-мулоҳазаларини кўллаб-қувватлади ва керакли тавсияларини берди.

“Янги Ўзбекистон” муҳбири Санжар ЭШМУРОДОВ ёзиб олди.

2025 йил – Атроф-муҳитни асраш ва “яшил иқтисодиёт” йили

Бошланиши 1-бетда

КОНСТИТУЦИЯДА ДАВЛАТНИНГ АТРОФ-МУҲИТНИ ЯХШИЛАШ, ТИКЛАШ ВА МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ҲАМДА ЭКОЛОГИК МУВОЗАНАТНИ САҚЛАШ БЎЙИЧА МАСЪУЛИЯТИ ҲАМ БЕЛГИЛАБ ҚЎЙИЛГАН. ОРОЛЬЎЙИНИНГ МУҲОФАЗАСИ ВА РИВОЖЛАНИШИ АЛОҲИДА ҚАЙД ҚИЛИНГАН.

ЭКОЛОГИЯ ВА ҲУҚУҚ

УШБУ ЙЎНАЛИШДАГИ МАСАЛАЛАР ҲАР ҚАЧОНГИДАН-ДА ДОЛЗАРБ



Абдулазиз РАСУЛЁВ, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Қонунчилик ва ҳуқуқий сиёсат институти илмий котиви, юридик фанлар доктори, профессор

Асосий қонуннинг 49-моддасига мувофиқ, давлат қўлай атроф-муҳит, унинг ҳолати тўғрисида ишончли маълумот олиш, шаҳарсозлик ҳужжатлари лойиҳаларини муҳофиза қилишда жамоатчиликнинг иштироки этиш ҳуқуқини таъминлайди. Ушбу қарорнинг рўйбга чиқариши учун маҳаллаларнинг экологик қиёфасини яхшилаш, тоза ва обод муҳит яратиш, аҳоли саломатлигини мухтафамлаш, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофиза қилиш, кўпайтириш ва келажак авлод учун асраб-авайлаш, биохилма-хилликни таъминлаш давлат дастурини амалга оширишнинг устувор йўналишлари этиб белгилади.

Бундай ёндашув аниқ амалий чора-тадбирлар кўринишида намоён бўлади. Жумладан, пиедалар ва алоҳида велосипед йўлакларини бўйлаб дарахт ва кўчатлар экиш орқали “Соғли сайр кўчалари” тармоғини яратиш, экологик фаол фуқаро турмуш тарзини тарғиб қилиш орқали “Бир миллион яшил оила” умумхалқ ҳаракати йўлга қўйилиши бунга мисол бўла олади.

Конституцияда давлатнинг атроф-муҳитни яхшилаш, тиклаш ва муҳофиза қилиш ҳамда экологик мувозанатни сақлаш бўйича масъулияти ҳам белгилаб қўйилган. Орольўйининг муҳофазаси ва ривожланиши алоҳида қайд қилинган.

Ушбу вазифаларни бажариш учун давлат томонидан Орол денгизи тубида 100 минг гектар “яшил қўлма” барпо этиш, ўрмонлар майдонини 4,1 миллион гектарга, жумладан, Орольўйини ҳудудидида 2,1 миллион гектарга етказиш, кўриқланадиган табиий ҳудудларни 14,5 фоизга кенгайтириш, Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Жиззах ва Қашқадарё вилоятларининг танланган ҳудудларда шўр ҳамда юрғоччиликка чидамли ўсимликлардан боғлар яратиш мақсад қилинган. Шунингдек, “Орол водийси” иқлим технологиялари эксп-по-хабини ташкил этиш режалаштирилган.

Ҳуқуқий сиёсат соҳасида давлат дастурининг ўзига хос жиҳати қабул қилиниши режалаштирилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг аниқ кўрсатилишидир. Умуман олганда,

ҳар бир инсонга ўз салоҳиятини рўйбга чиқариш учун муносиб шароит яратиш йўналиши бўйича — 10 та, барқарор иқтисодий ўсиш орқали аҳоли фаровонлигини таъминлаш йўналиши бўйича — 22 та, сув ресурсларини тежаш ва атроф-муҳитни муҳофиза қилиш йўналиши бўйича — 36 та, қонун устуворлигини таъминлаш, халқ хизматидаги давлат бошқарувини ташкил этиш йўналиши бўйича — 28 та ҳамда хавфсиз ва тиқликсевар давлат таъминлига асосланган сиёсатни изчил давом эттириш йўналиши бўйича — 5 та, жами 101 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши режалаштирилган.

Кўриб турганингиздек, қабул қилиниши керак бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг аксарияти экология ва атроф-муҳитни муҳофиза қилиш соҳасига алоқадор. Экологик норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг улуши давлат дастури доирасидаги барча норматив ҳужжатларнинг учдан бирдан ортқини ташкил этади.

Давлат дастурида тақлиф этилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари таҳлил қилинса, давлат томонидан қонуний ечим изланаётган муаммоларни аниқлаш мумкин. Бундай муаммолар қаторига мамлакатдаги экологик вазиятни тубдан яхшилаш, инсон ҳаётига таъсир этувчи экологик қусурларни бартараф этиш (пластик билан ифлосланишни камайтириш бўйича Миллий стратегияни қабул қилиш, иссиқхона газлари етказадиган зарарни қоплаш механизмларини жорий этиш), иқлим ўзгариши салбий таъсирининг олдини олиш (“Иқлим ўзгаришининг олдини олиш тўғрисида”ги қонунни қабул қилиш), атмосфера ҳавоси ифлосланишининг олдини олиш (атмосфера ҳавосини муҳофиза қилишнинг узоқ мuddатли стратегиясини қабул қилиш, экологик ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизимини такомиллаштириш) ва бошқалар кирди.

Давлат дастурида ҳуқуқий сиёсатни амалга ошириш, халқаро ҳамкорлик доирасидаги чора-тадбирлар ҳам ўз ифодасини топган. Дастур асосида халқаро ҳуқуқ нормалари ва халқаро



ҳамкорликни амалга оширишнинг ҳуқуқий механизми такомиллаштирилмоқда.

Хусусан, 13 та халқаро ҳужжат бўйича аниқ чора-тадбирларни амалга оширишни назарда tutади. Биологик хилма-хиллик тўғрисидаги конвенциянинг доимий бюросига Ўзбекистон вакилининг номзодини кўрсатиш, зарарли қимёвий моддалар ва хавфли чиқиндиларни бошқариш бўйича грант лойиҳасини амалга ошириш, сув-ботқоқ ҳудудларнинг туризм салоҳиятини муҳофиза қилиш ва ошириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш алоҳида аҳамиятга эга.

Халқаро ҳужжатларга қўшилиш жараёни бошланди. “Атроф-муҳит билан боғлиқ бўлган масалалар бўйича қарорлар қабул қилиш жараёнида жамоатчиликнинг ахборот олиш имконияти, иштироки ва оқил судловга эришиш имконияти тўғрисидаги конвенцияга (Орхус, 1998 йил 25 июнь) Ўзбекистон Республикасининг

қўшилиши ҳақида”ги қонун билан мамлакатимиз мазкур конвенцияга қўшилди. Бундан ташқари, Халқаро савдода айрим хавфли қимёвий модда ва пестицидларга нисбатан олдиндан асосланган келишув тартиб-таомили тўғрисидаги Роттердам конвенциясига қўшилиш режалаштирилмоқда.

Ўзбекистон халқаро ҳамкорлик доирасида БМТнинг Атроф-муҳит бўйича дастури (UNEP), БМТ Яшил иқлим жамғармасининг (Green Climate Fund) минтақавий ваколатхонасини очиб, Марказий Осиё атроф-муҳит ва иқлим ўзгариши университети — Яшил университет ҳузурида Глобал экологик фонднинг махсус грант дастурини ишлаб чиқиш ҳаракатида. Мазкур чора-тадбирлар мамлакатимизнинг атроф-муҳитни муҳофиза қилиш соҳасидаги халқаро ташаббуслари самарадорлигини ошириш, давлат экологик сиёсатини

такомиллаштириш бўйича илмий асосланган тақлифлар ишлаб чиқиш имконини беради.

Циркуляр иқтисодиёт ва “яшил” технологиялар таъминлашнинг аҳамияти ортиб бораётган бир вақтда минтақадagi экологик вазият ёмонлашуви аҳоли саломатлиги ва атроф-муҳит ҳолатига салбий таъсир кўрсатмоқда. Шу сабабли экоиндустриал парк (ЭИП) ларни ташкил этиш 2030 йилгача Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш доирасида Ўзбекистоннинг устувор экологик ташаббусларидан биридир.

Жорий йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Қонунчилик ва ҳуқуқий сиёсат институти таъминлашнинг экологик барқарор моделларини ўрганиш ва илгари суриш бўйича илмий тадқиқот фаолиятини фаоллаштирди. Хусусан, институт томонидан ЮНИДО ва GIZ кўмагида амалга оширилаётган иккита саннат зонасини ЭИПга трансформация қилишни техник қўллаб-қувватлаш лойиҳаси бу йўналишдаги муҳим қадамлардан бўлди.

Бундай лойиҳанинг амалга оширилиши институтнинг норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш орқали саннат соҳасига инновацион экологик ечимларни жорий этишга кўмаклашиш истагини намоён этади. Институт қонунчилик ва ҳуқуқий сиёсат соҳасидаги етакчи илмий-тадқиқот маркази бўлиб, фаолиятини Ўзбекистонда экоиндустриал парклари ривожлантириш учун қўлай шарт-шароит яратиш бўйича ҳуқуқий механизм ва тавсиялар ишлаб чиқишга йўналтирган.

Экоиндустриал парклари ташкил этиш Атроф-муҳитни асраш ва “яшил иқтисодиёт” йили вазифаларига жавоб беради. Ёпиқ цикл таъминли бўйича ишлайдиган ЭИП корхоналари чиқиндилар ва эмиссияларни минималлаштиради. Бу эса атроф-муҳитга босимни камайтиради ва иқтисодий кўрсаткичларини яхшилаш орқали ишлаб чиқаришнинг ресурслар самарадорлигини оширади.

ЭИП учун норматив-ҳуқуқий базани ишлаб чиқиш “яшил иқтисодиёт”га ўтишнинг асосий омилдир.

Экоиндустриал парклар фаолиятининг аниқ қоида ва стандартларини яратиш экологик тоза технологияларга капитални жалб қилиш учун қўлай инвестиция муҳитини шакллантириш имконини беради.

Ҳуқуқий нукта назардан, экоиндустриал парклари ташкил этиш Ўзбекистоннинг миллий қонунчилик ва халқаро шартномаларда мустақамланган атроф-муҳитни муҳофиза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш таъминлашнинг қўлай намоён этади.

Умуман олганда, 2025 йил атроф-муҳитни муҳофиза қилиш соҳасидаги ҳуқуқий сиёсат нукта назардан самарали йил бўлиши кутилмоқда. Давлат дастуридаги ҳуқуқий сиёсат нафақат ҳужжатларни қабул қилиш, балки тизимли чора-тадбирлар кўришни ҳам қамраб олади. Бизнингча, давлат дастурида назарда тутилган вазифаларни сифатли амалга ошириш учта омилга боғлиқ.

Биринчиси, ишлаб чиқилаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қондаларини амалга оширишга тизимли ёндашиш зарур. Хусусан, янги нормаларни жорий этиш бўйича барча ваколатли тузилмалар ва уларнинг бажарилиши нозорат қилиш механизмларини белгилаш.

Иккинчиси, кенг жамоатчилик, жумладан, илмий-тадқиқот ва эксперт-таҳлилий доираларни тайёрланаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва муҳофиза қилишга жалб этиш.

Учинчиси, янги чора-тадбирларни амалга оширишнинг иқтисодий-иқтисодий ва ташкилий оқибатларини диққат билан мулоҳаза қилиш.

Ҳар қандай ҳолатда ҳам мамлакатимизнинг экологик сиёсатини сифатли ва ўз вақтида ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш истиқболда атроф-муҳитни муҳофиза қилиш, экологик хавфсизликни таъминлаш соҳасида илмий-таҳлилий натижаларга эришиш имконини беради.

“Долзарб бир ойлик” сафарбарлиги

ШАҲНОЗА ОПАНИНГ БОҒИ

АВВАЛ ЧЎЛ ЭДИ, ЭНДИ ГУРКИРАГАН БЎСТОН

Бу воқеага ўттиз йилча бўлди. Ўшанда Шаҳноза опа уйда бекор ўтирмай, бирор жойдан ер олиб, боғ яратишни, деҳқончилик қилиб, ҳеч бўлмаганда рўзгор эҳтиёжи учун сабзавотлар етиштириб, оиласига нафи тегишни мақсад қилганди.

Аммо бунинг учун ер керак эди. Яқин атрофда бўш турган жойнинг ўзи йўқ. Уйи яқинида каттагина майдон бор. Лекин бу ерга анча тер тўкишга тўғри келади. Кумли, шўр жойда бирор нисол ўстиришнинг ўзи бўлмас керак. Танишларидан маслаҳат сўраган эди, балого қолди. Эмишчи, бу чўлда саксовулу янтоқдан бошқасини кўкартириб бўлмас эмиш. “Бекорга вақт сарфлаб, сарсон бўлганинг қолади”, дейишди.

Бу гаплар уни бир оз иккилантириб қўйди. Лекин мақсадини амалга ошириш йўлидан барибир қайтмади. Турмуш ўртоғи эса, энг аввало, ерни қонуний йўл билан олиш лозимлигини уқтирди. Бунинг учун Шаҳноза опа туман ҳокимлигига мурожаат қиладиган бўлди.

Бир оз иккиланганча туман ҳокими қабулига кириб борган ёш аёл ҳадиксиратган кўйи раҳбарга мақсадини тушунтирди. Мурожаатчининг сўзларини эшитган ҳоким негадир ажабланиб қолди. Ундан нима мақсадда ер кераклигини қайта сўради. Аниқ режаси билан қизиқди. Аёлнинг фикрига қулоқ тутганча жим қолди. Унинг ўйланб қолганини кўрган опанинг ҳам шашти пайсаёйи, йиғлаб юборишдан нари-бери ҳолга келди.

— Ер қаровсиз, бўш жой, — дея секин гапирганча умид билан раҳбарга қаради.

— Эй, нега хижолат билан сўрайсиз. Дадил гапиринг. Сизга раҳмат, — дея ҳоким кулди. — Жим қолганимга ҳайрон қолдингиз шекилли. Бунинг сабаби, шу пайтга қадар туманимизда бирор хотин-қиз боғ яратаман, деҳқончилик қиламан, дея ҳокимликдан ер сўраб келган эмас. Шунинг учун хурсанд ҳолда ўйга толиб қолдим. Бошқа туманларда хотин-қизлар тадбиркорлик қилаётганини, ҳар бир соҳада фаол ҳаракатда эканини кўриб, ҳавасим келарди. Мана, биринчилардан бўлиб сиз ташаббускорликни бошлаб берасиз. Бунинг учун сизга раҳмат. Керакли ҳужжатларни расмийлаштириб, айтган жойингиздан ер берамиз. Ҳеч бир муаммосиз ишни бошлайверинг. Агар кимдир қаршилик қиладиган бўлса, тўғри олдимга келаверасиз.

Муборак тумани ҳокимининг олдиндан кўнгли тоғдек кўтарилб чиққан Шаҳноза Раҳмонова тезда ишга киришди. Дастлаб ўзи обод қилмоқчи бўлган, уйига яқин Истиклол маҳалласидаги ташландиқ ерни тартибга келтиришдан иш бошлади. Шу пайтгача қаровсиз бўлган сабаб, майдон чиқиндиларга айланган эди. Бундан ташқари, яқин атрофда янги уйлар кўп қурилгани боис, қурилишдан чиққан турли чиқиндилар ҳам шу ерга ташлаб кетилганди.



— Тўрт йил деганда ерни фойдаланиш ҳолатига келтириб олганман, — дейди Шаҳноза Раҳмонова. — Инсоннинг қўлигул деганларидек, ҳар кун шу ерда меҳнат қилганим сари худуд чирой очиб бораверди. Яхшигина ер очилгач, кўпчилик қизиқиб қолди. Баъзилари меҳдан жойни олиб қўйиш учун очикчасига босим ўтказа бошладилар. Бирови қўлида қоғоз, эгаллик ҳуқуқи менда, дея даъво ҳам қилди. Кўрқиб қолдим. Шунча меҳнатим зое кетаркан, дея шаштим пайсаёйи. Ҳокимнинг гапига ишониб, индамай кетавериб, ҳужжатларни

охирига етказиб қўймаган эканман. Хавотирин ортанча ҳокимликка югуриб бордим. Гапларимни эшитган раҳбар ўзи бош бўлиб шу жойнинг ҳужжатини қилдириб берди. Шундан сўнг дастлаб бу ерда дарахт экишни бошладим. Кўриб турганингиздек, олдин бу жой фақат ташландиқ майдон эди. Деворнинг нариги томониغا қарасангиз — саксовузор. Чунки чўл худуд.

Бугун Шаҳноза опанинг боғига назар ташлаган одам бир пайтлар ташландиқ жой эканига ишониши қийин. Энг аввало,

шундай чўлда битта ниҳол кўкартириш учун қилишда каттагина матонат бўлиши керак. Опа эса каттагина боғ яратиб қўйди. Бундан ташқари, учта иссиқхона қуриб, бозорга турли маҳсулотлар чиқариб, даромад ҳам топмоқда. Боғ учун муҳим бўлган суғорчида ёмғир сувидан унумли фойдаланишни йўлга қўйган. Иссиқхона томидан тушган ёмғир суви ҳовузга ташланиб, боғ томчилатиб суғорилади.

— Биринчи иссиқхонамиз 2 сотихли, — дейди Ш.Раҳмонова. — Унда асосан, лимон етиштирилади. Ҳозир 15 туپ лимон экилган. Уттан йили бир оз сувуқ таъсир қилган. Иккинчи иссиқхонамиз 8 сотихли бўлган. Жорий йилда анча яхши бўлди. Дарахтлар орасида лимон қаламчаларидан кўчат ҳам етиштираман. Икки-уч йилда бу ниҳоллар савдога чиқади. Иссиқхоналаримиз ёнида каттагина ҳовуз қурилган, унга ёғинлардан ҳосил бўлган сув тўпланади. Керакли ўғитлар аралаштирилиб, экинзорга йўналтирилди.

Иккинчи иссиқхонамизда шу пайтга қадар қулпунай экардик. Энди апельсин, мандарин дарахти кўчатларини эқдик. Бир томонига эса водийдан “аватар” навли янги узум ниҳолларини олиб келиб ўтказдик. Илгари иссиқхонада узум етиштирарди, деса ишонмасдим.

Водийга бориб, боғбонларнинг ишини кўриб, ҳавасим келди. Иссиқхонада узум ҳосили қишда ҳам ўз ҳолича сақланиб турибди. Насиб этса, мен ҳам шу усулда ҳосил олишни мақсад қилганман.

Учинчи иссиқхонамиз каттароқ қилинган. Тўрт сотихли. Унда бодиринг, помидор, кўкатлар экамиз. Саримсоққиз, картошка ҳам бор. Айниқса, қиш ва баҳор ойларида кўкатдан яхши фойда кўрамиз. Бозорга чиқариб овера бўлмаймиз. Харидорлар ўзи олиб кетади. Тошкентда ҳам уйимиз бор. Фарзандларим олийгоҳларда ўқимоқда. Гоҳида уларнинг олдига бормоқчи бўлсам, кўкатлардан олволаман. У тарафларда анча қиммат. Яхшигина пул бўлади. Шу ҳовлининг даромадидан енгил машина олдик. Болаларимизнинг контракт пулларини тўлаяпмиз. Умуман олганда, боғ ортидан оиламизга яхшигина сармоя кириб келмоқда.

Бир пайтлар шунчаки бўш ётган эллик сотих майдон ташаббускор аёлнинг меҳнати билан бугун каттагина боғқа айланди. Опанинг ерида учта иссиқхонадан ташқари олма, ўрик, бодом каби тўрт юздан ортиқ мевали дарахт бор. Бугун ҳар бир ниҳол мўл ҳосил берадиган каттагина дарахтга айланган. Шунингдек, чорвачиликни ҳам йўлга қўйишни унутгани йўқ. Ҳовлининг бир четда элликча яқин товуқ, бир томонида йигирма бош қўй боқилмоқда. Тўртта соғин ситир эса оилани сут ва қатиқ билан таъминлашдан ташқари, рўзгорга қўшимча маблағ киритмоқда.

Шаҳноза опа маҳалласидаги иккита илмсиз оиланинг ҳам бандлигини таъминлаган. Айни пайтда Шаҳноза Раҳмонованинг тажрибасини ўрганиш учун боғда семинарлар ташкил этилади. Иссиқхоначилик ёки боғдорчилик йўналишига қизиқувчи туман хотин-қизлари ҳар доим опани излаб келади. Ўз малакасидан келиб чиққан ҳолда, уларга ҳаминча кўмак беришдан эринмайдиган боғбон аёл шотирдлари сафи ортиб, уй бекалари ҳам тоғорқа маданиятига жиддий эътибор қаратишни бошлаганидан мамун. Зеро, томорқадан келётган даромад оила учун қони фойда эканини англаган ҳар бир киши меҳнат қилишдан орта чекинмаслиги тайин.

Ақбар РАҲМОНОВ,  
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

# МАҲСУЛОТНИ

Янги ёндашувлар



# АККРЕДИТАЦИЯДАН ЎТКАЗИШ НИМА УЧУН КЕРАК?

Юртимиз иқтисодийтини мустаҳкамлаш, экспорт салоҳиятини ошириш, сифат инфратузилмасини ривожлантириш борасида қатор ишлар бажарилмоқда. Жумладан, маҳсулот сифати ва рақобатбардорлигини ошириш, савдодаги техник тўсиқларни бартараф этиш иқтисодийнинг устувор вазиёларидан. “Ўзбекистон аккредитация маркази” давлат муассасаси директори Ансбахон ЗОКИРОВ билан суҳбатимиз шу ҳақда бўлди.



— Аккредитация бутун дунёда сифат инфратузилмасининг асосий занжирларидан биридир. Шу нуқтан назардан, аввало, мамлакатимизда мазкур тармоқни ривожлантириш бўйича қўрилаган чоралар ва уларнинг аҳамияти ҳақида фикр билдирсангиз.

— Сифат инфратузилмаси халқаро ҳамжамиятда кўп қўлланадиган кенг қамровли тушунча. У муайян мамлакат ёки жамиятда маҳсулот, хизматнинг давлат томонидан қаътий ўрнатилган хавфсизлик ҳақда сифат кўрсаткичларини таъминлашга қаратилган ва шунга эришиш йўлини кўрсатиб берадиган тизим. Бу тизим бир неча қисмдан ташкил топган. Маҳсулотнинг қаътий цикли, деган тушунча бор. Одатда унга доим ҳам аҳамият бермаймиз, аммо кўп тўқнаш келамиз. Маҳсулот қаътий цикли иккига бўлинади: бозорга чиққунга қадар ва ундан кейинги жараён. У айтиш мумкин, бу жараёндо доимий белгиланган талабларга жавоб бериши керак. “Мендан кетгунча, эгасига етгунча” эмас, балки истеъмол жараёнида ҳам талабга жавоб бериши шарт.

Аккредитациянинг вазифаси эса маҳсулотда хавфсизлик талабларини белгилашдан бошланади. Дунё таърибасида хавфсизлик талаби давлат томонидан

белгиланади. Хавфсизлик учун доим жавобгар давлат бўлади.

Маҳсулот ёки хизматларни етказиб бериш занжири бир неча босқичдан иборат. Лойиҳадан тортиб, сотувчигача бўлган орада занжир иштирокчилари “иқтисодий оператор”, деб номланади. Улар ўзига тегишли талабларни белгилаб қўяди. Лойиҳалашдан тортиб, маҳсулотни хавфсиз ишлаб чиқариш ва истеъмолчига етказишга бўлган хавфсизлик таъминлашини назорат қилади. Давлат техник регламентларда хавфсизлик талабларини белгилайди. Бугун Ўзбекистонда 40 дан ортиқ техник регламент қабул қилинган ва жараён давом этапти. Параллел равишда халқаро таърибга ўрганилиши натижасида регламентлар сонини ошириш эмас, қўламини кенгайтириш, қамровини аниқ белгилашга эътибор қаратилмоқда. Мисол учун, телевизор, микротўққинли печ ёки музлаткичга алоҳида-алоҳида талаб белгилаш шарт эмас. Буларнинг барчасини техник регламент билан тартибга солиш, ҳужжатлар кўпаяди. Бу ишлаб чиқарувчига муайян маънода оғирлик қилади. Шу боис, халқаро таърибдан келиб чиққан ҳолда техник регламентлар сонини кўпайтириш эмас, қамров соҳасини аниқ белгилаб олишга эътибор қаратилади.

Энди хавфсизлик талабларига қандай қилиб эришамиз, деган савол юзага келиши мумкин. Унга, табиийки, стандарт талабларига риоя қилиш орқали эришилади. Яъни миллий стандартлаштириш тизимида муайян стандартларни қабул қилиш орқали хавфсизлик таъминланади. Ундан кейин метрология йўналиши бор. Метрология бу ўлчовлар аниқлигини ифода этади. Чунки ноаниқ ўлчов туфайли мувофиқ маҳсулот номувофиқ бўлиб қолиши ёки номувофиқ маҳсулот ўлчовлар хато бажарилгани сабаб мувофиқ бўлиб тан олинмишига олиб келиши мумкин. Бу ҳаммаси нотўғри ўлчовлар туфайли содир бўлади. Шунинг учун метрологияга эътибор қаратилади.

Учинчиси, аккредитация ва мувофиқликни баҳолаш. Давлат юқоридаги механизмлар орқали хавфсизлик талабларини белгилади, стандартлар орқали сифатга эришиш йўлини кўрсатди. Ўлчовлар аниқлигига эришилди. Энди ҳаммасини бир

жараёнга киритиб, маҳсулотнинг тўлиқлигича стандартада белгиланган талабларга жавоб беришини таъминлаш зарур. Бу айнан аккредитация ва мувофиқликни баҳолашга боғлиқ. Мазкур амалиётда синов ва сертификатлаш, дейилади.

Мувофиқликни баҳолашнинг тури кўп. Аккредитация эса талабларни белгиланган, тўғри ўлчанган ҳолда сертификатлаштириш идоралари, синов лабораториялари томонидан шу маҳсулотта мувофиқлиги ёки номувофиқлиги бўйича берилаётган ҳулосалар қанчалик тўғрилигини баҳолаб боради. Буларнинг ҳаммаси жамланиб, миллий сифат тузилмасини ташкил этади. Мана шу форма орқали ҳаммаси тўғри кетма-кетликда,



виждонан ва ҳалол бажарилиши керак. Бугун Ўзбекистонда шундай тизим бор. Охириги уч йилда қабул қилинган фармон ва қарорлар туфайли соҳага эътибор ошди.

— Жорий йил мамлакатимизда “Атроф-муҳитни асраш ва яшил иқтисодиёт” йили, деб эълон қилинди. Бу тизим атроф-муҳит софлигини сақлаш ва яшил иқтисодиётни ривожлантиришга қандай ҳисса қўиши мумкин? Яъни мазкур йўналишда соҳанинг ўрни қандай?

— Бугун атроф-муҳитда рўй бераётган ўзгаришларнинг инсон ҳаётига салбий

таъсирини инкор этолмаймиз. Табиий омиллардан ташқари иқтисодиёт ривожини ҳам бунда асосий сабабчи бўлмоқда. Иқтисодиёт ривожини эса аҳоли турмуши яхшиланишида муҳим омил. Демак, бундан ҳам воз кечиш бўлмайди. Нима қилмоқ керак? Бунга саноатнинг атроф-муҳитга таъсирини минималлаштириш орқали ечим топиш мумкин. Бу кун тартибидоги масаладир. Халқаро стандартлаштириш ташкилотини



(ISO)нинг 22 мингдан зиёд стандарти қабул қилинган. Шундан алоҳида бир боби атроф-муҳитга доир стандартларни ўз ичига олади. Заводлардан атмосферага чиқаётган чиқинди газларни минималлаштириш, ишлаб чиқарувчиларнинг масъулиятини оширган ҳолда маҳсулот хавфсизлигига талабни белгилаш зарурали юзага чиқмоқда. Айтايлик, кимё заводи бир турдаги кимё маҳсулотини ишлаб чиқариш учун бир йилда атроф-муҳитга бир неча минг тонна чиқинди чиқаради. Ўша чиқиндини камайтириш керак. Европада шундай талаб ўрнатилган. Яъни маҳсулот истеъмолчиси “Маҳсулотининг оламан. Агар муайян муддат давомидан

ташлаётган чиқиндининг маълум миқдорда камайтиришга эришсанг”, деган талаб қўяди. Ишлаб чиқарувчи корхонанинг ҳақиқатан талабга жавоб берувчи усуллар ёрдамида чиқиндиларни камайтиришнинг мувофиқликни баҳолаш орқали аниқлаш мумкин.

Бу тартиб ҳозирча Ўзбекистонда жорий қилинмаган, аммо шундай тақлифлар ишлаб чиқилмоқда. Бу битта йўналиш. Ундан ташқари экология, сувни тежашга боғлиқ жуда кўп тизим ҳам бор.

— Аккредитация, сертификатлаштириш, мувофиқликни баҳолаш тизимларининг халқаро стандартларга мослашини жаҳон бозорига чиқиши дегани. Бу борада қанчалик натижага эришилди?

— Мақсадимиз — маҳсулот хавфсизлиги ва сифатини ошириш, рақобатбардорлигини таъминлаш ҳамда Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг имкон қадар жаҳон бозорига чиқишига кўмаклашиш.

Хориж бозорига олиб киришдан олдин маҳсулотнинг мувофиқлигини баҳолаш билан боғлиқ, сифати ва хавфсизлиги юқори бўлишига эришилмиши шарт. Бунинг учун маҳаллий мувофиқликни баҳолаш идорасини хориждаги айти шундай идора фаолияти билан тенглаштириш зарур. Иккита идора битта маҳсулотга бир хил ҳулоса бериши керак. Шунда халқаро ҳамжамиятга юзланамиз. Бу бўйича шугулланган халқаро ташкилотлар мавжуд. Биринчи — Оснэ Тинч океани аккредитация ҳамкорлиги (АРАС) бўлса, кейингилари Халқаро лабораторияларни аккредитация қилиш ҳамкорлиги (ILAC), Халқаро аккредитация форуми (IAF)дир. Шу ташкилотлар фаолиятини баҳолаб боради. Ўтган йилги баҳолаш натижаси юқори бўлди ва фаолиятимиз халқаро стандарт асосида ташкил этилган тани олинди. Бу борада биринчи қадамда 8 та йўналиш бўйича тан олинмишига эришган бўлса, ўтган йили яна иккита йўналиш қўшилди.

— 2025 йилда дунё аккредитацияси “Аккредитация: кичик ва ўрта бизнес

вакилларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш” шиори остида ҳаракатланар экан. Ўзбекистон аккредитация тизими бу йўналишда қандай ишларни бажаради?

— Аккредитация дунёда кенг тарқалган фаолият тури. Халқаро лабораторияларни аккредитация қилиш ҳамкорлигига 100 га яқин, Халқаро аккредитация форумига 70 дан ортиқ давлат аъзо. Улар орасида Ўзбекистон ҳам бор. Ушбу ташкилотлар БМТнинг Барқорор ривожланиш мақсадлари асосида ташкил қилинган. Фаолиятини муайян соҳага йўналтириш ҳам ана шу ташкилотларда овоз бериш йўли билан аниқлаб олинди. Шундан келиб чиқиб, бу йил кичик ва ўрта бизнес вакилларининг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтиришга эътибор қаратилмоқда. Чунки кичик ва ўрта бизнес — иқтисодиёт драйвери. Аҳоли бандлигини таъминлашга тўғридан тўғри таъсир кўрсатадиган ҳам шу тармоқ. Катта корпорациялар ҳозир ишлаб чиқаришни сунъий интеллект ёки технологияларга топширяпти. Ишчи кучидан камроқ фойдаланишга ҳаракат қилияпти. Бу маҳсулот таннархини камайтиришга олиб келади. Кичик ва ўрта бизнесда бу имконият йўқ. Жорий йил соҳани кўллаб-қувватлашда аккредитациянинг ўрнини мустаҳкамлаш широр қилиб олинди. Шундан келиб чиқиб, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш учун мувофиқликни баҳолаш турларини Ўзбекистонда жорий қилиш қўламини кенгайтириш кўзда тутилмоқда. Зеро, хизматимиздан фойдаланаётганлар ҳаммаси — кичик ва ўрта бизнес вакиллари. Мижозларимизга янги йўналишлар яратиш, янги турдаги маҳсулотлар кўрсатиш ва бу орқали ҳам жамиятга фойда келтириш, ҳам бизнес вакилларнинг даромад кўришига ҳисса қўиши — асосий мақсадимиз.

“Янги Ўзбекистон” муҳбири  
Рисолат МАДИЕВА  
суҳбатлашди.

## “Ўзбекистон — 2030” стратегияси

### Бошланиш 1-бетда

Мазкур топшириқлар ижросини таъминлаш учун жорий йил 27 февралда давлатимиз раҳбарининг “Хизматлар соҳаси барқарор ривожланиши учун қўлай шарт-шароитлар яратишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”-ги қарори қабул қилинди. Қарор билан соҳани ривожлантиришнинг 2025 йилга мўлжалланган мақсадли кўрсаткичлари белгилаб берилди. Унга кўра, хизматлар ҳажми 15 фоиз оширилади, соҳада 3 миллион киши даромадли иш билан таъминланади, 52,2 мингта хизмат кўрсатиш объекти ташкил этилади.

Қарорда қўйиб имтиёзлар назарда тутилган. Хусусан, 1 фонзлик ижтимоий солиқ ставкасининг амал қилиш муддати 2028 йил 1 январга қадар узайтирилади.

— Мазкур имтиёз тадбиркорлик субъектларининг 30 ёшгача бўлган ходимларига нисбатан таъбиқ этилади, — дейди Солиқ қўмитаси бошқарма бошлиғи Бехзод Ботиралиев. — Бунда тадбиркорнинг ҳар ойда тўлайдиган иш ҳақи меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 2,5 баробаридан кам бўлиши керак эмас. Бугун ушбу миқдор 2 миллион 887 минг 500 сўмини ташкил этмоқда.

# ХИЗМАТ КўРСАТИШ СОҲАСИ АНИҚЛАНГАН МУАММОЛАР САМАРАЛИ ҲАЛ ЭТИЛМОҚДА

Бу имтиёздан савдо ва умумий овқатланиш корхоналари, меҳмонхона, автотранспорт, юк ташиш хизматлари кўрсатувчи тадбиркорлик субъектлари фойдаланиши мумкин.

Ўтган йилда умумий овқатланиш соҳасида 8,1 мингта субъект 158 миллиард сўм, чакана савдо соҳасида 27,9 мингта субъект 459,5 миллиард сўм, туризм соҳасидаги 220 та субъект 17 миллиард сўм миқдорда имтиёздан фойдаланган.

“Ўтган йилда умумий овқатланиш соҳасида 8,1 мингта субъект 158 миллиард сўм, чакана савдо соҳасида 27,9 мингта субъект 459,5 миллиард сўм, туризм соҳасидаги 220 та субъект 17 миллиард сўм миқдорда имтиёздан фойдаланган.”

Режа ва мақсад ҳар бир инсонда бор. Лекин моддий жиҳатдан имкон бўлмаса, уни амалга ошириш гоёяси ҳаёлда қолиб кетиши мумкин. Қарорнинг аҳамиятли жиҳати ҳам шунда: кўзда тутилган ҳар бир мақсад учун молиявий манбалар кўрсатиб ўтилган. Яъни 2025 йилда хизматлар соҳасини ривожлантиришга 67,4 триллион сўм кредит, хизмат кўрсатиш объектларини

ташкил этиш учун девелоперлар орқали тадбиркорлик субъектларига нотузар жойларни лизингга беришга 4,5 триллион сўм йўналтирилади.

— Шунингдек, 2025 йилда 652 та драйвер лойиҳани инфратузилма билан таъминлаш учун бюджетдан 1 триллион сўм йўналтирилади, — дейди Иқтисодиёт ва молия вазирлиги бошқарма бошлиғи Бехзод Шукуров. — Натижада ҳудудларда 72 та соҳилбўйи дам олиш маскани, 62 та зонавий истроҳат боғи, туризм ва гастрономик йўналишларга ихтисослашган 154 та савдо ва кўнгилочар кўча, 364 та йўлбўйи ва бошқа сервис объекти ташкил этилади. Пировардида хизмат кўрсатиш



ҳажми 15 фоиз оширилиб, 52 мингдан ортиқ савдо-сервис объекти фаолияти йўлга қўйилди.

Қарорнинг ушбу бандини кўпчилик кутиб турган эди, десак муболага бўлмайди. Бу такси фаолияти билан шугулланишга тегишли. Мазкур қарор билан энгил автотранспорт воситаларида йўловчиларни шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро ташиш фаолияти ўзини ўзи банд қилган шахслар шугулланиши мумкин бўлган фаолият турлари рўйхатига киритилди.

— Такси хизматлари соҳасида фаолият юритаётган фуқароларнинг солиқ тўлаш тартиби қандай бўлади, деган савол кўпчиликни қизиқтириши табиий, — дейди Солиқ қўмитаси бошқарма бошлиғи Дилдора Ҳошимова. — Ўзини ўзи банд қилган шахсларнинг солиқ даври

календарий йил ва шу йил давомида меҳнат фаолияти натижасида олинган 100 миллион сўмгача бўлган даромади солиққа тортилмайди. Бунда йил тугаши билан янги йил бошидан даромад қайтадан ҳисобланади. Солиқ даврида даромади 100 миллион сўмдан ошганда эса яқка тартибдаги тадбиркорлар учун белгиланган тартиб асосида солиққа тортилади. Мисол учун, 2024 йилда даромади 100 миллион сўмдан ошмаган ёки ошса ҳам 2025 йилда ҳисоб-китоб нолдан бошланиб, уларнинг 100 миллион сўмгача бўлган даромади солиққа тортилмайди.

Жорий йил 1 февраль ҳолатига кўра, ўзини ўзи банд қилган шахслар сони 4,6 миллиондан ошди. Бу эса ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 74 фоиз кўп демакдир.

Ҳуқуқий ҳужжатнинг яна бир аҳамиятга молик жиҳати шундаки, 2025 йил 1 июлдан бошлаб, 11 турдаги давлат хизматлари ва функциялари хусусий секторга ўтказилмоқда. Булар орасида суд бошқарувчиси малака аттестатини, баҳоловчиларга тоифалар бериш, ҳисоблагичларни қиёслашдан ўтказиш, карантин остидаги маҳсулотларни зарарсизлантириш каби фаолият турлари ҳам бор.


Қарорда яратилган шароит ва берилаётган имтиёзларни суистеъмол қилишнинг олдини олиш мақсадида қатор назорат тадбирлари ҳам белгилаб қўйилмоқда. Унга кўра, 2025 йил 1 апрелдан бошлаб солиқ органлари ходимларига назорат-касса техникасини ва савдо терминалларини қўллаш тартибини бузиш, ходимларни ва меҳнатга ҳақ тўлаш фондини солиқ ҳисоботида акс эттирмаслик, ер майдонларидан ҳужжатларсиз ёки ҳужжатларда кўрсатилганидан каттароқ ҳажмда фойдаланиш, фойдали қазилмаларни ноқонуний қазиб олиш ёки қазилмалар ҳажмининг солиқ ҳисоботида тўлиқ акс эттирмаслик ҳолатлари аниқланганда текшириш ўтказиш ваколати берилмоқда.

Шу билан бирга, жорий йил 1 майдан бошлаб автоматлаштирилган тизим орқали солиқ базасини камайтириб кўрсатиш ҳолатлари аниқланган хавфлар бўйича тадбиркорлик субъектини 10 иш кунини олдин хабардор қилиш тартиби бекор қилинди. Бу, ўз навбатида, тадбиркорлик субъектларида аниқланган ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида бартараф этиш ва олдини олишга ёрдам беради. Энди хавфни таҳлил қилиш тизимидаги 60 дан ортиқ мезон очикланиб, қўмитанинг расмий сайтида эълон қилиб борилади.

Бироқ шунда ҳам ижтимоий адолат нормалари сақлаб қолинади. Яъни мазкур ҳолатларда биринчи мартаба оғохлантириш берилади. Уч кун муддатда аниқланган ҳолат бартараф этилмаса, сайёр солиқ текшируви ўтказилади ва текширув натижалари бўйича расмийлаштирилган далолатнома асосида қарор қабул қилинади.

Шунингдек, солиқ имтиёзларидан фойдаланилган сўнг даромад солиғи ва ижтимоий солиқ бўйича ҳисобланган солиқ суммасининг камайишига олиб келадиган қайта ҳисоботлар солиқ органлари томонидан асослигини ўрганиб чиқилгандан сўнг қабул қилинади.

Лутфулла СУВОНОВ,  
“Янги Ўзбекистон” муҳбири





Пуктаи назар

# БАРҚАРОР ТУРИЗМ

## САЙЁҲЛАР ВА МАҲАЛЛИЙ АҲОЛИ ЎРТАСИДАГИ МУВОЗАНАТНИ ТАЪМИНЛАЙДИ

**Барқарор туризм сайёҳлик соҳасини, туристик йўналишларни табиий, маданий ва ижтимоий муҳитга зарар етказмайдиган тарзда ташкил этишди. Унинг асосий мақсади ресурсларни сақлаш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш орқали туристлар ҳамда маҳаллий аҳоли эҳтиёжи ўртасидаги мувозанатни таъминлашдан иборат. Шунингдек, у экологик меъёрларга риоя қилиш, табиатга салбий таъсирни минималлаштириш, сайёҳ келган мамлакатнинг маданияти, анъаналари ва ижтимоий хусусиятларини ҳурмат қилишни ҳам тақозо этади.**

Туризм индустриясига барқарор ёндашув тармоқнинг уйғун ва мутаносиб ривожланишини таъминлашда катта аҳамиятга эга. Бу эса соҳадagi барча иштирокчилнинг узоқ муддатли манфаатини ҳисобга олиш имконини беради.

Биринчидан, барқарор туризм экологик мувозанатни сақлаш ва истиқболли туризм йўналишлари жозибдорлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

Иккинчидан, маҳаллий анъаналар ва маданиятга ҳурматни рағбатлантириш ижтимоий ва маданий фойда келтиради. Ушбу ёндашув сайёҳлар ва маҳаллий аҳоли ўртасидаги ижтимоий муносабатни ривожлантириш, маданий меросни сақлашга ёрдам беради ҳамда ижтимоий инклюзияни қўллаб-қувватлайди.

Учинчидан, иш ўринлари очиш, инвестицияларни жалб қилиш ва маҳаллий аҳолига даромад келтиришни қўллаб-қувватлайди. Энг асосийси, туризмнинг иқтисодий фойдаси бир неча манфаатдор томон қўлида тўпланиб қолмай, кўпроқ одамга фойда келтириши учун адолатли тақсимотни таъминлайди.

Тўртинчидан, анъанавий туризм дуч келадиган муаммолар, масалан, атроф-муҳит деградацияси, ижтимоий тенгсизликни ҳал қилади.

Хуллас, барқарор туризм сайёҳлик индустриясини ривожлантиришнинг ажралмас қисми бўлиб, соҳанинг барча — экологик, ижтимоий ва иқтисодий жаҳаларига нисбатан мувозанатли ҳамда масъулиятли муносабатни рағбатлантиради.

Туризм иқлим ўзгариши, табиий ресурслар камайиши ва ифлосланиши каби глобал муаммоларга сезиларли таъсир кўрсатади. Сайёҳлик карбонат ангидрид чиқиндиларининг 5 фоиз кўпайишига олиб келади. Меҳмондўстлик секторига бу кўрсаткич 30 фоизни ташкил қилади. Иқлим ўзгариши қор қоплами кўлами камайиши ва экстремал об-ҳаво ҳодисалари орқали туризм йўналишларига таъсир қилади. Сув ва ўрмон каби табиий ресурслардан фойдаланиш ҳажминини оширади ҳамда ўрмонларнинг кесилишига сабаб бўлиши мумкин. Шунингдек, океан ва денгизларнинг пластик билан ифлосланиши, транспорт туйғайли ҳавонинг бузилишига ҳисса қўшади ва катта миқдордаги чиқиндини ҳосил қилади.

Сувни тежаш, қайта тикланган энергия манбаларига ўтиш ва туризмнинг атроф-муҳитга таъсирини камайтириш учун барқарор амалиёт зарур. Мисол учун, меҳмонхоналарда сувни тежаш, чиқиндиларни камайтириш ва қайта тикланган энергия манбаларидан фойдаланиш лозим.

Туризмда “яшил иқтисодиёт” тамойилларини самарали жорий этиш маҳаллий ҳамжамият ва бошқа манфаатдор томонларнинг фаол иштирокчини талаб қилади. Давлат барқарор амалиётларни қўллаб-қувватловчи қонун-қондалар орқали “яшил” туризмни ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга.

“Яшил” туризм атроф-муҳитга таъсирини камайтириш билан бирга иқтисодий-ижтимоий ривожланишга ҳам ёрдам беради. Озиқ-овқат корхоналари, маданий мерос ва экологик тоза ишлаб чиқариш барқарор

ривожланиш мақсадларини қўллаб-қувватлайди ҳамда аҳолининг ҳаёт сифатини яхшилайди. Туризмда “яшил иқтисодиёт” тамойилларини жорий этиш аҳоли бандлигини ошириш, ресурсларни яхшироқ бошқариш, табиий ва маданий бойликларни сақлашга олиб келади.

Халқаро валюта жамғармаси маълумотларига кўра, иқлим ўзгариши экинлар ҳосилдорлигини 15-30 фоиз камайтириши мумкин. Бу сайёҳларни “яшил” туризмнинг муҳим таркибий қисми бўлган маҳаллий экологик тоза маҳсулотлар билан таъминлашга бевосита таъсир кўрсатади. Ўзбекистонда бир долларлик ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш учун 0,4 килограмм нефть эквиваленти



сарфланади. Бу жаҳондаги ўртача кўрсаткич (0,11 килограмм)дан 3,6 баробар кўп.

Шундай экан, “яшил” туризм учун энергия сарфини минималлаштириш ва қайта тикланган энергия манбаларига ўтиш иқтисодга олган ҳолда инфратузилмани ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга. Мамлакатимиздаги иссиқхона газлари чиқиндинининг 94 фоизи карбонат ангидрид ва метан билан боғлиқ бўлиб, бу ҳудудларнинг экологик ҳолатига салбий таъсир кўрсатмоқда. “Яшил” туризм жорий этилган меҳмонхона секторига экологик тоза транспорт ва энергия тежовчи технологиялардан фойдаланиш орқали зарарли чиқиндилар улушини камайтириш мумкин.

Истеъмолчиларнинг хоҳиш-истаклари ва ҳулқ-атвори ўзгариши шариқтида барқарор туризм сайёҳлик индустриясига сезиларли таъсир кўрсатади. Бу ўзгаришлар сайёҳларнинг экологик билиминини ошириш ва атроф-муҳитга салбий таъсирини минималлаштириш истаги билан боғлиқ.

Жаҳон туризм индустрияси “яшил” меҳмонхоналар ва экологик тоза саёҳат пакетлари каби барқарор маҳсулотларини фаол ривожлантиришда ва бозорга чиқармоқда. Туризмни рақамлаштириш эса жараёнларни тезлаштириш орқали самарадорликни оширади ва атроф-муҳитга таъсирини камайтиради.

Сайёҳлар углерод изини камайтириш учун самолёт ўрнига поезд ёки автобус каби тобора кўп танлаётгани бу борада янги тенденциялардан биридир. Тадқиқотларга кўра, ёшлар саёҳат қилишда атроф-муҳитга кўпроқ эътибор беради. Бу барқарорлик томон умумий ижтимоий силжишни акс эттиради.

Кейинги йилларда барқарор туризм жаҳон сайёҳлик индустриясининг устувор йўналишига айланиб бормоқда. Чунки у табиий ва маданий ресурсларни асраш, атроф-муҳитга салбий таъсирини камайтириш ва ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий мавқеини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Унинг амалий жиҳатлари турли соҳалар, жумладан, меҳмондўстлик, транспорт ва экологик ташаббусларни қамраб олади. Бу соҳалар инновацион технологиялардан фойдаланиш, маҳаллий ҳамжамиятларнинг жалб этиш ва манфаатдор томонлар ўртасидаги ҳамкорликни ўз ичига олувчи комплекс ёндашувини талаб қилади.

Кўпгина меҳмонхоналар энергия сарфини сезиларли даражада камайтирадиган LED лампалар, ҳаракат сенсори ва автоматик ёритишни бошқариш каби энергия тежовчи технологияларни жорий қилмоқда. Қайта

иштирок этаётгани унинг ушбу соҳага қизиқшини тасдиқлайди.

Грузияда табиий ҳудудларни сақлаш, экологик тоза туризм маҳсулотларини яратиш ва барқарор қишлоқ саёҳатларини ривожлантириш бўйича фаол ишламоқда. Мамлакатда маданий ва табиий меросни сақлашга қаратилган экологик инфратузилмани яхшилаш бўйича ҳам ташаббуслар мавжуд.

Барқарор туризм қатор муаммоларга ҳам дуч келмоқда. Булар молиявий тўсиқлар, саноатчилар эътиборсизлиги, анъанавий бизнес қаршилиги ва таълим дастурлари йўқлиги билан боғлиқ. Таълим ва ахборотга эҳтиёж бугун ҳар қачонгидан долзарб. Зарур билимларни бериш барқарор туризмнинг аҳамияти ҳақидаги тушунарларни оширади. Бу эса масъулиятли хатти-ҳаракатларни шакллантиришга ёрдам беради. Огоҳлик туристларнинг ҳулқ-атворини тарбиялаш ва туристик жойларга боришга оғли ёндашувга ундайди. Ушбу қийинчиликларни енгиб ўтиш учун молиявий ёрдам, таълим дастурлари ва бизнесни рағбатлантиришни ўз ичига олган комплекс ёндашув талаб этилади.

Кундан кунга барқарор туризмга талаб ортиб бормоқда, истеъмолчилар экологик тоза ва ижтимоий масъулиятли саёҳат маҳсулотларини тобора кўпроқ танламоқда. COVID-19 пандемиясидан кейин бундай амалиётга қизиқиш янада ортиб ва бу барқарор туризмни сайёҳлик индустриясининг асосий йўналишига айлантирмоқда.

Сайёҳлик компаниялари экологик инновациялар, жумладан, янги маҳсулотлар, технологиялар ва ташкилий амалиётларни жорий этмоқда. Бу эса атроф-муҳитни муҳофаза қилиш самарадорлигини оширишга ёрдам беради.

Иқлим ўзгариши туризмга бўлган талабга таъсир этади. Ушбу ҳолат сайёҳлик объектиларидан янги шароитларга мослашиш ва углерод чиқиндиларини камайтириш чораларини кўришни талаб қилмоқда.

Сунъий интеллект, VR/AR, блокчейн ва мобил илова каби технологиялардан фойдаланиш атроф-муҳитга таъсирини камайтириш имконини беришни назардан қочирмаслик керак. Улар сайёҳларга экологик тоза саёҳатларни режалаштириш, барқарорлик ҳақида хабардорликни ошириш ва маданий меросни сақлаш учун мобил иловалардан фойдаланиш имконини беради. Буюмлар интернетни (IoT) ва ақли мақсадли технологияларни интеграциялаш туризмда шаффофликни оширади, ресурсларни бошқаришни яхшилайди.

Барқарор туризм ва “яшил иқтисодиёт” сайёҳлик индустрияси келажаги учун қалитдир. У иқтисодий ўсш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва ижтимоий адолат ўртасидаги мувозанатга эришишга қаратилган. Бу табиий ресурсларни камайтирмай ёки маҳаллий маданиятга путур етказмай, туризмни ривожлантиришни таъминлайди. Шу билан келажак авлодлар учун туризм йўналишларининг жозибдорлиги ва ҳаётийлигини сақлаб қоллади.

Барқарор туризм муваффақияти кўп жиҳатдан барча манфаатдор томонлар, жумладан, сайёҳлар, бизнес ва ҳукумат иштирокига боғлиқ. Давлат органлари барқарор туризмни ривожлантириш учун қатор шарт-шароитларни яратишга мажбур. Экологик лойиҳаларни молиялаштириш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича норматив ҳужжатлар ишлаб чиқиш ва ахборот кампанияларини ўтказиш шулар жумласидан. Барча манфаатдор томонларни жалб этиш ва барқарор туризм тамойилларига риоя қилиш орқали сайёҳлик индустрияси атроф-муҳитни сақлаб, маҳаллий ҳамжамиятларга фойда келтирган ҳолда ривожланиши мумкин.

“Яшил” туризмни ривожлантириш учун сув ва энергия каби табиий ресурслардан барқарор фойдаланиш технологияларини жорий этиш, шунингдек, иссиқхона газлари чиқиндинини камайтириш ташаббусини қўллаб-қувватлаш зарур. Бу нафақат экологик вазиятни яхшилаш, балки мамлакат иқтисодиётини мустаҳкамлаш, экологик тоза туризм соҳасида янги иш ўринларини яратиш имконини беради.

**Нурислон ТЎХЛИЕВ,**  
**ЎЗФА академиги,**  
**Олим ОСТОНАҚУЛОВ,**  
**Ўзбекистон халқаро ислом академияси профессори**

Саломатлик формуласи



# СПОРТ-СОҒЛОМ МУҲИТ КЎЗГУСИ

**Жисмоний тарбия ва спорт билан оммавий шугулланиш мусобақалар ўтказиши, ғолиблик учун курашдан завқланишдан ҳам чуқур мазмун-моҳиятга эга. Зеро, у миллиат генофонди, эл-юрт куч-қудрати, обрў-эътиборини, ёш авлодни ҳам маънавий, ҳам жисмоний юксалтирадиган энг таъсирчан воситадир.**



**Акмал ХОЛИҚОВ,**  
**Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети жисмоний маданият ва спорт кафедраси доценти вазифасини бажарувчи**

Давлатимиз раҳбари томонидан ёшларга эътиборни кучайтириш, уларни маданият ва санъат, жисмоний тарбия ҳамда спортга кенг жалб этиш, замон талабидан келиб чиқиб ахборот технологияларидан фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш каби йўналишларда беш муҳим ташаббус илгари сурилган эди. Барчаси бирдек юксак аҳамиятга эга ушбу беш муҳим ташаббуснинг иккинчиси ёшларнинг жисмоний чиниқтириши, спорт соҳасидаги қобилиятини намоён қилиш, кейинги авлодларга муносиб мураббийлар тайёрлаш учун зарур шароит яратишга йўналтирилган. Беш ташаббус олимпиадаси билан эса спорт ва жисмоний тарбия йўналишидаги ислохотлар янги босқичга чиқди.



Президентимиз раислигида жорий йил 13 февраль кунин олимпиа ва паралимпия ҳаракати, ихтисослаштирилган ва оммавий спортни янги босқичга олиб чиқиш ҳамда аҳоли жисмоний фаоллигини ошириш чоралари бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида қатор ташаббуслар баробарида талаба ёшларини спортга кенг жалб қилишга алоҳида эътибор қаратилди.

Йиғилишда юртимизда 700 мингдан зиёд талаба борлиги қайд этилиб, улар ўрта-юқори маълумотли спортга ҳавасини кучайтириш, қамровини ошириш муҳимлиги қайд этилди. Энг аввало, спорт билан мунтазам шугулланган талабалар ўзи мутахассислиги бўйича фанларини яхши ўзлаштиради. Қолаверса, тиришқоқлиги, тинимсиз меҳнати самараси ўлароқ, ўзи танлаган спорт йўналишида мамлакат терма жамоасидан жой олганга кўп гувоҳ бўлганмиз. Бугун дунё тан олган боксчи, жаҳон ва олимпиада чемпиони Баҳодир Жалолов, дзюдо бўйича олимпиада совриндорлари Ришод Собиров, Абдулла Тангриев, Ўзбекистон ифтхори, футболчи Аббос Махситаев ўз даврида “кичик олимпиада” деб ном олган Универсиада мусобақаларида тобланган.

Албатта, ҳар бир мураббий учун шогирдлари ютуғи улкан қувонч бағишлайди. Спортга қаратиётган эътибор олий таълим муассасасида талабаларга жисмоний маданият ва спорт йўналишида машғулотлар ўтатган биз, мураббийлар зиммасига катта

масъулият юклайди. Чунки устозларнинг меҳнати самараси талабаларнинг натижасида кўринади.

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети жисмоний маданият ва спорт кафедрасида спортнинг 13 тури бўйича секциялар фаолияти йўлга қўйилган. Бу тўғрисида талабалар спорт билан мунтазам шугулланиб келади. Университетдаги баскетбол мураббийи сифатида талабаларимизнинг аксарияти спорт тўғрисидаги мажбурият юзасидангина қатнашганини қилиб ишон билан айтман.

Улар эришяётган натижалар салмоғи йил сайини ошириб бораётир. Хусусан, талаба қизларимиз бир неча йилдан бери Универсиада ва Беш ташаббус олимпиадаси мусобақаларининг саралаш босқичида фаол қатнашмоқда. Шунингдек, талабалар лигасида ҳам баскетболчи қизлар жамоаси юқори натижаларга эришяётир. “Универсиада — 2025” спорт мусобақаларининг баскетбол ўйинларида университет талаба қизларидан иборат жамоа саралаш баҳсларида ишончли ғалабага эришиб, беллашувнинг Фарғонада бўлиб ўтadиган республика босқичига йўланмани кўлга киритди.

Мураббий сифатида талабаларимизни спорт мусобақаларига пухта тайёрлаш билан бирга, жисмоний маданиятни ривожлантиришга ҳам ҳаракат қиламиз. Чунки спортнинг ғалабага етакловчи муҳим жиҳат — ундаги жисмоний маданият. Спортчи қандай хусусиятларга эга бўлиши, рақибга ҳурмати, мусобақаларда қатнашиш қонун-қоидаларига амал қилиши, интизоми — мана шулар жисмоний маданиятдир. Йил билан эса спорт ва жисмоний тарбия йўналишидаги ислохотлар янги босқичга чиқди.

жиҳатдан зарба беришга интилади. Ноўрин хатти-ҳаракати билан унинг жаҳлини чиқариб, енгган ҳолатларга ҳам кўп гувоҳ бўлганмиз. Талабаларимиз жисмоний маданият ва спорт дарсларида шу жиҳатларни ҳам пухта эгаллаб бормоқда.

Президентимиз йиғилишида алоҳида эътибор қаратган яна бир жиҳат аҳолининг 44 фоизни жисмоний фаол эмаслиги, 36 фоизни тўғри овқатланиш қоидаларини билмаслиги ёки амал қилмаслиғидир. Бугун кўпчилигимиз витаминга бой мева-сабзавот ёки донли маҳсулотлар истеъмол қилиш ўрнига тез тайёр бўлувчи ва таркиби канцероген моддаларга бой, турли касаллик ва барвақт ўлимга олиб келувчи маҳсулотларга ружу қўйганмиз. Бу ҳолда, айниқса, спортчилар, спорт секцияларига қатнайдиган талабалар орасида ҳам учрайди. Ўзим ҳам машғулотдан чиқиб, талабаларнинг турли энергетик ичимликлар ёки фаст-фудлар истеъмол қилаётганига кўп гувоҳ бўлганман. Шундай пайтлари биз, мураббийлар ҳар бир машғулотдан олдин талабаларга бу борада тушуنча беришимиз зарур.

Учинчи Ренессанс бунёдида ёшларимизнинг илм-фан, маданият ва санъатда қўлга киритаётган ютуқлари билан бирга, спортчи йигит-қизларимизнинг нуфузли олимпиа ва паралимпия, жаҳон чемпионатларидаги ғалабалари ҳам пойдевор бўлади. Бундай ютуқларга эса соғлом муҳит ва жамиятда эришилади.



# ЖАЙҲУН ТОМОНЛАРДА

# ЖУШ УРАР ҲАЁТ



**УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!**

## Орамиздаги одамлар

**Шу вазифани гарданига олибдики, бир хил ҳолат такрорланади: сафардан қайтаётганда, самолёт ё поезда Нукустага яқин қолганида юрак уриши тезлашгандай бўлади. Бир неча соат олдин телефон орқали боғланиб, мутахассиси Бахтигулдан: — Опа, тинчлик, эсон-омон етиб келинг, — деган гапни эшитган бўлса-да, яна таниш исми топиб, телефон тугмасини босади.**



**Қутлибека РАХИМБОВА,**  
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими

бўлиши керак. Парваршида озгина эътибор-сизлик бўлса, “тап” этиб ташлаб беради. Ана унда ҳамма меҳнат сувга оқади. Аммо Гулсал хато қилмади. Ишга эътибор билан бирга бор меҳрини ҳам сарфлагани шундай самара берди. Халқ орасида “Ёш тадбиркор инкубаторда жўжа кўпайтира бошлади. Биттаям хато бўлмас экан”, деган яхши гап тарқади. Бу хушхабар ишнинг кўзини биладиган аёлларни ахтариб юрадиган хотин-қизлар етакчиси Марям Ахмедовага ҳам етиб келди. Унинг асосий



жўжалар қаторлашиб чиқадигандек гайрат билан тарқаларди.

Қорақалпоғистонда хотин-қизлар орасида кенг тарқалган тадбиркорликнинг яна бир тури кўзқорин билан боғлиқ. Кейинги йилларда аҳолининг жон бошига тўғри келадиган даро-



хабарлар, салмоқли рақамларда кичик жусса-си билан ҷумолик меҳнат қилётган Сайёра каби аёлларнинг муносиб ҳиссаси бор.

Гап Қорақалпоғистон хотин-қизлари орасида ишчанлик муҳитини яратиб, уларни боқимандалик кайфиятидан халос қилиш, ўз имкониятларига ишонч уйғотиш ҳақида борар экан, Беруний туманидаги Бўстон маҳалласида гул кўчати етиштириш борасидаги ишларга ҳам тўхталиш жоиз. Бу маҳаллага “Меҳнат шуҳрати” ордени соҳиби Рўзбика Айтбоева раислик қилади. Ҳукумат даражасидаги фармон қарорларимизда аҳоли бандлигини таъминлаш, уларни даромад келтирадиган ҳалол касб-корларга ўргатиш каби фикрлар акс эта бошлагач, раис маҳалла фаолларини ёнига олиб, худудини айланб чиқди. Тижорат билан шуғулланмаган бир-иккита оналдан ташқари учтагина хонадонда иссиқхона бор экан. “Кам таъминланган оилалар 150 та бўлса... Ҳаммасида озми, кўпми, томорқа бор. Аксарияти мол учун ўт экиб қўйибди, холос. Шу ерлардан фойдаланиш мумкин. Аммо инсон руҳиятини ўзгартириш қийин масала. Айниқса, меҳнатга ўргатиш учун ниҳоятда катта сабр-бардош керак. Рўзбика опа гул ва помидор, бодиринг каби сабзавот маҳсулотлари кўчатини кўпайтириш бўйича анча-мунча тажрибага эга овуслар Гулжамол Асқарова ва Ойсара Халлиевага юзланиб, ниятини айтди. Меҳнатга ўрганган одамлар машаққатдан қочмайди.

— Эҳтиёж борларга савоб деб бир коса ош билан иккита иссиқ нон бергандан кўра, бир



вазифаларидан бири “Аёллар дафтари”даги фуқаролар бандлигини таъминлаш бўлгани учун Гулсални туманларга олиб юра бошлади. Худудларда ишга эҳтиёжи бор аёллар билан ўтказилган илғишлик, семинарларда Гулсал парранда боқиш борасида дарс беради. У йилгиларга ўз ишини илдан игнасигача содда, ишонарли тилда тушунтирадиган, умрида инкубаторни кўрмаган қиз-жувоғлар худди эртага туҳум олиб, иш бошласа, индинига

мади ошгани, турмуш даражаси юксалиб бораётгани кишиларнинг овқатланиш маданиятига ҳам акс этади, албатта. Дастурхонимизга Европа таомлари кириб келиши билан кўзқоринга эҳтиёж ошди. Тахиятошлик Сайёра Аллаёрова ижтимоий тармоқлардан ўқиб, ўрганиб, уй шартинида кўзқорин етиштиришни йўлга қўйди. “Ижтимоий химояга муҳтож, ишсиз 32 миң 820 хотин-қизнинг бандлиги таъминланди”, дея йирик анжуманларда айтилган қувончли

дона кўчат етиштиришни ўргатишнинг савоби катта бўлади. Ўрганман деганлар бўлса, ўргатганимиз бўлсин, — дейди қўллари туپроқ тилиб қадоқ бўлган овуслар. Бўстонда иш қилиб кетди. Кўпнинг қўлида барака бўлади. Ҳаш-паш дегунча бир юз эллик хонадонда иссиқхона қурилди. Кимдир уруғ сепиб, бошқа биров қаламча қадаб, кўчат кўпайтира бошлади. Беруний тумани ҳокими ўринбосари, Оила ва хотин-қизлар бўлими раиси Сайёра Қозиева бу янги иш одамларнинг ўзиникига айланиб, қўллари пул қўриғига Рўзбика Айтбоева билан Бўстонда бўлди. Бугун берунийликлардан ташқари қўшни эллиққалалиқлар, ҳатто дараёш хоразмликлар ҳам келиб, Бўстон иссиқхоналаридан турфа гуллар кўчатини олиб кетмоқда.

— Эгни бут, қорни тўқ одам уйини, ҳовлисини, кўчасини чиroyли қилиш ҳақида ўйлайди. Халқимизда ландшафт дизайнига қизиқиб кўчайиб бораётгани ҳам турмушимиз фаровонликка қараб кетаётганидан далолатдир. — дейди Рўзбика Айтбоева. — Гулларимиз болалар боғчалари, мактаблар, таомхоналар ва офисларни безаб турибди.

Иш — қадр. Иш — даромад, иш — орзу-хавасларнинг уйғониши ва ушалоғи.

Бу ҳақиқат нуқсулик қандолатчи, “Safe Bumer” корхонаси раҳбари Моҳира Мамутова ёки Нукус яқинида экоовул ташкил қилиб, мавсумда минглаб сайёҳни кутиб-затаётган тадбиркор Амина Бегжонова фаолиятида ҳам бирдай намоён бўлади. Моҳира ширинликлар пиширишни ўз уйда оддий печкада бошлаган эди. Маҳсулотлари эл овозига ёқиб, харидориги бўлган, аста-секин фаолиятини кенгайтирди. Тадбиркорликни қўлаб-қувватлаш борасидаги имтиёزلардан сўнг қулочини яна ҳам кенроқ ёйди. Келин бўлиб тушган жойи Хўжайида энг замонавий анжомлар билан жиҳозланган корхона қурди. Кетма-кет кредитлар олди. Айни пайтда “Safe Bumer”да фақат табиий маҳсулотлардан қирқдан ортққ туртки ширинликлар тайёрланмоқда. Улар нафақат республикамиз, балки қўшни мамлакатларга ҳам етказиб берилади. Шу орқали саксонга яқин маҳаллий аҳоли ишли бўлган.

— Бир неча ресторан-таомхоналар ҳам очди. Оиласини боқиб учун хорижга иш қидириб кетган ошпазларни қайтариб келди. Мақсадимиз маҳаллий аҳолини, айниқса, хотин-қизларни иш билан таъминлаш, — дейди Моҳира Мамутова.

Аччиққўл бўйларига экоовул қурган Амина опанинг иши бундан-да қизиқ. Умрида ўтов нималигини билмаган опага ташландиқ жойда ўтовлар қуриб, туризмни йўлга қўйиш таклиф қилинганда аввал иккиланди.

— Сиз ишни бошлаётингиз, ёнингизда биз турибми...

Марям Ахмедованинг бу далласидан сўнг Амина опа ишни Чимбойга бориб ўтов сотиб олишдан бошлади. Сайёҳларга ўтовнинг нимаси қизиқ? Албатта, битта уй ичида бутун бошли қадр-иятларнинг жамлангани! Ўтовнинг эшитилган бошлаб ҳар чизгиси қорақалпоқнинг оилаларварлиги, болажонлиғи “манаман” деб намоён этиб туриши қизиқ. Дайлик, ўтовнинг эшити атайлаб паст қилинади: ташриф буюргувчи мезоннинг хурмати босиб, эшикдан тикка эмас, эгилиб кириши керак. Ўтовнинг тепасидаги икки айлана оила рамзи, уларнинг чиқириқлари кесилган, дарз кетган жойи бўлмаслиги лозим, бу оилалар билдирган қўша қарши тилаги, қизил популлар — қизлар, қўқ популлар — оилاداги ўғил болалар сонини билдирди. Ўтовнинг ўнг томони эр кишига, чап тарафи аёлга тегишли. Эр тарафидаги қамчи тикка турса, оила бошлиғи ҳаёт, қамчининг дастаси буқланса, у дунёдан ўтган... Сайёҳлар бу рамзлар орқали бутун бир халқни, унинг донишмандлигини тасаввур қилади.

Аммо қорақалпоқ хотин-қизларнинг ҳаёти фақат тадбиркорлик, фақат пул топиш йўлида ўтмоқда, десак ҳақиқатдан сал чекинган бўламиз. Устоз шоиримиз Зулфияхоним айтмоқчи, умр ялпи тўйда ўтмайди. Ҳар бир одам — бир олам. Бу оламнинг ташвишлари ҳам бор. Лекин киши ўз ташвишлари билан ёлғиз қолдирилмас, унга ҳамдардлик, ҳамдамлик бўлса, ҳар қандай оғирликча енгилиши бўлади.

Кейинги йилларда айнан аҳоли муаммосини маҳалларнинг ўзида ҳал этишга жиддий эътибор берилмоқда. Юқорида айтганларимиз қорақалпоғистонлик аёллар мисолида бажарилган ишларнинг бир қисми, холос. Ушбу ислохотлар сабаб оиласи, ҳаётига ёруғлик қайтган оиласини-гилларимиз рўйхат қилинса, талайгина номлар қаторлашади.

Албатта, бир мақолага бутун республика аёлларининг барча қиррасини сндириши мушкул, бу нарсга талаб ҳам этилмайди. Лекин қара-қара қуёш акс этгандай, маъмур битикларда ҳам ташвиш-қувончлари билан яшаётган, армонларидан ишончлари, умидлари кўп Жайхунбўйи хотин-қизларининг тинсиз дараёш доғлаги ҳаётини тасаввур қилса ва бу тасаввурлардан кўнгилни қувонтирса бўлади.

# ҲАР СОНИЯ ИЗЛАНИШ ТАЛАБ ЭТАДИГАН ФАН

## ЁХУД ТАРБИЯНИНГ ТАЯНЧ УСТУНЛАРИ ҲАҚИДА ЎЙЛАР

Ота-она учун энг яхши бахт фарзанднинг камолини кўриши орзу қилади. Халқимиз, орзу билан оғиз чучимас деб бежиз айтмаган. Ҳар бир мақсаднинг ортида машаққатли меҳнат, изланиш ётади. Айниқса, фарзанд тарбиясидаги меъёрни гавхар тарозидан тортсанг-да, ўлчовида мисқолча ҳам хато қилмаслик даркор. Ута мураккаб, заргарнинг маҳоратидан ҳам нозик, масъулиятли вазифа. Буни ҳар бир инсон заргарона бажаргиси келади.

остонасида. Бу — олтин халқнинг занг-ламаслиги ва давомийлигидан даллат! Дунёнинг шундай бебаҳо неъматлари борки, вақтида қадрига етиса, умр ҳикматга тўлади. Яшашнинг мазмун-моҳияти айнан шундай. Тарбияда кичик — аҳамитсиз нарсанинг ўзи йўқ. Оддий сўзлашув, ўзаро муносабат, муомалада ички тарбия маданиятининг акс этиши, лафиф сўхбатлар оғушида кўз очатган гўдак дунёни шундай тасаввур қилади. Абдулла Авлоний таъбири билан айтганда, тарбиядаги энг аҳамиятли восита ўрнатқ бўлишидир. Бу борада мислсиз натижаларга эришиб, тарихга номи муҳрланган кишиларга назар солсак, уларнинг ҳаётида энг аналари, устозларининг таъсири беқиеё аҳамият касб этганини кўраемиз. Бугун эса боча ва мактаблардаги тарбия усулларидан қўшимча ўрганишимиз лозим бўлган манбаларга мурожаат қилиш зарур. Зеро, ўрганиш ҳаммаша ютуқнинг гарови бўлган. Таълимдаги ютуқнинг



асосий замани тарбия экани дунё таърибасида ҳам исботланди. Бу борада педагогларнинг ҳар бири тарбия академияси дасрини ўзлаштириши, кўзга қўринмас, нозик ришталарни ҳис қилиш даражаси кенг қамровли бўлиши эса натижанинг барқарорлигини таъминловчи асосий қучдир. Зеро, ҳар қандай тарбиянинг ўқ илдизи оилавий муҳитга туташуши асл ҳақиқат.

Тарбия ўлчамлари ҳақида ўйлаганда тарзининг палласига муносиб тош оғирлиги ва энгиллиги ҳақидаги фикрлар ниҳояланмайди. Нимага? Оила — боча — мактаб тарбиясидаги узвий донишмандлик эклиган ниҳолнинг чинор бўлиб қад ростлашига ишонч беради. Илдизи чуқур отган ҳар бир кўчат бақувват ўсади. Тилимизда “томизги” деган ажойиб сўз бор. Унда бир қошиқ аччиқ қатқидан бир челек аччиқ қатқик ёки бир қошиқ мазали қатқидан бир идиш мазали қатқик ҳосил бўлади. Уша ўлчов натижаси аксиномага ўхшайди, исбот талаб қилмайди. Тарбия — миллатнинг кўзгуси, ойнаси. Унинг тиниқлигини таъминлаш ҳар бир кишининг зиммасидаги масъулият бўлмоғи

лозим... Шунда оқсашлар умумий тизимга бориб тақалмайди — оммалашган тарбия шаклланади.

Тарбия — дунёни тутиб турувчи устун. Унинг мустаҳкамлигини таъминловчи восита — тўрт томонга қарасак: тарбияни тилда эмас, амалда кўрсатишимиз — кўз тарбияси! Кўз ақлга хабар жўнатадиган қувват — ақборот манбаи. Тарбия бир маромад парварши талаб қиладиган гиёҳ. Мақсад фақат маррага етиши — Йўқ, кўзланган натижага эришиш. Унда эскича ўй билан янгича ўй ўртасидаги фарқ, кечаги ўй билан бугунги ўй ўлчови — ўсши суръатини белгилловчи омилнинг бир кўриниши.

Донишмандлар “Ҳамма ухлаётганда сен ўқисанг, ҳамма ишлаганда сен ҳаловат топасан”, дейди. Тарбия илми эса ухлаётганда ҳам ўрганишдан, кузатишдан, изланишдан тўхташ асло мумкин бўлмаган ноёб фанки, унинг сабоғи ҳаёт йўллариини мунавар қилади.

**Дилфуза ШОМАЛИКОВА,**  
журналист

**ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.**

Олти ойлик боласини донишмандга олиб борган аёл тарбияда олти ой кечикканини ҳаммамиз эшитганимиз. Тарбияни қачон бошламоқ керак? Бу борада мутахассисларнинг — статистиканинг турли усуллари бор. Аммо натижадаги ўзгаришдан кўнгли тўладими? Ҳа, деб айтишга ўйланмай қоламиз. Тарбиянинг формуласини яратиш керами? Математик қонунлар бўйича катта сондан кичик сон айирилади. Агар аксинча бўлса-чи? Кичик сондан катта сон айирилса, қиймат ҳаммаша манфий чиқибди оддий ҳисоб! Аммо... тарбияда бундай камомадга йўл қўйилса, жамият — ҳаёт тенгلامасидаги мувозанат қандай бўлади? Гап ана шунда.

### ТАРБИЯ ВА ТАЛАБ ТАРОЗИСИ

Тарихда саркарда бобомиз Амир Темур келинларини ҳомиладорлик пайтида гўзал жойлар томошасига олиб чиқишларини тайинлаган. Аёлларга чиroyли муносабатда бўлишни ўғилларига мажбурият қилиб юклаган. Баҳаво манзара ва кўнглили саёҳат ҳомилининг қалбан ва жисман гўзал тафаккур билан шаклланишида асосий мезонлиги исботланган.

Аммо бунга доим ҳам етарлича амал қилвермаймиз. Гоҳида кўриб кузатганларимиз тасаввуримизга муҳрланиб, эслангиларимизнинг ўзида кайфият кўтарилади. Оддий боғда сайр қилаётган оила. Баҳаво манзара. Қўшларнинг

чугури, хонинши, атрофдагиларнинг кайфияти — қизалоқнинг онасига бир донагина гул бериши, умр йўлдошининг меҳр билан узатилган қўли... яна ҳомиладорга иссиқ тутилган бир пиёла чой... Оддий ҳолатлар замиридаги залворли масалалар ечим! Албатта, бу ривожланиётган ҳомилининг тарбия озуқаси.

Дунё таърибасига назар солсак, япон аёллари ҳомиладорлик вақтида ойга қараб чиroyли банд бўлар экан. Уларнинг шiori — “Тажрибани дунёдан, тарбияни ўзимиздан ўрганишимиз”. Туркияда “Ҳомила муталоаси” махсус курси бўлиб, ривожланишнинг ойларига қараб ўқиладиган китоблар белгиланиб, бу ҳомилининг ақлий тафаккури ривожланишида беқиеё аҳамиятга эгалиги ўрганилган.

Яна асосий масъулият аёлнинг зиммасига юклатилади. У вазифасини адо этиши учун атрофдагиларнинг муносабати, ёрдами, қўлаб-қувватлаши катта аҳамият касб этади. Аввало, келажак авлод тарбиячисига ҳам тарбия кераклигини унутмаслик зарур. Айтшадик, ийитини тарбиялаган — бир кишини, қиз болани тарбиялаган — миллатни тарбиялайди. Миллат ворисларини вужудига кўтараётган аёл илми фарзандлар камолида буй кўрсатади. Ирсият, ген ҳақида гап борганда дунё тан олган аждодларимиз билан фарҳанамиз. Бир муддат миллийлик ва тарбияда узилган занжир



Таҳририятга келган қўлезмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаобгар. Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул. Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ақборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган. **Нашр индекси** — 236. **Буюртма** Г-346. 37346 нусхада босилди. **Ҳажми** — 3 табоқ. **Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими** А2. Баҳоси келишилган нарҳда.

Навбатчи муҳаррир: Жонибек Алижонов  
Мусаҳҳиш: Шерзод Маҳмудов  
Дизайнер: Зафар Рўзиев  
Манзилими: 100060, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДМ  
МУАССИС:  
Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамаси